БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СССР
ЗНАК ПОЧЕТА

Ёш ленинчи

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 12 сентябрь Чоршанба
№ 173 (13.609).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Амалий ҳамкорлик

Тошкент Агрегат заводининг комсомол қўмитаси тижоратчилик фаолияти билан шуғуллана бошлади. Ёшлар «Октябрь» ширкати билан шерикчилик асосида иш юритмоқда. Ширкат корхона комсомол ташкилотининг ташаббуси билан Александр Печенко бошчилик қилаётган комплекс бригада негизида тузилди.

Шериклар бир-бирлари билан ўзаро манфаатли муносабатда бўлишмоқда. Комсомоллар буюртмачиларни, зарурат пайдо бўлганда эса хом ашёни топишда ширкатга ёрдам беришмоқда. Комсомол қўмитаси яқинда ширкат учун бир талай рангли металлар сотиб олиш тўғрисида Тошкент ремонт-экскаватор заводи билан шартнома тузди. «Октябрь» ширкат ҳузурида хайрия жамғармаси ташкил этилган. Ана шу жамғармага бир йиллик иш давомида ўн минг сўмга яқин пул ўтказилди. Бу пул ёшларнинг дам олиши ва турмушини ташкил этишга, завод болалар боғчаларига ёрдам беришга сарфланмоқда.

— Ширкатдаги ишлар асосий ишлаб чиқариш фаолиятимизга ҳалақит бермайди, — дейди ширкат раисининг ўринбосари, фрезерчи Мадамин Бобониёзов. — Одатдагидек ишимизни тугатишимиз билан, худди шу дастгоҳларнинг ўзида шартномада белгиланган буюртмаларни бажарамиз. «Иккинчи смена» уч-тўрт соат давом этади. Ҳар куни ҳам ишдан кейин қолавермаймиз—буюртмаларни ҳафтада икки марта қолиб бажарамиз. Корхонага электр қувватидан, ускуналар, асбоблардан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаймиз.

Ширкатдаги барча ишларга кенгаш бошчилик қилади, унга энг тажрибали ва обрўли мутахассислардан беш киши кирган. Кенгаш ишлар ҳажмини, даромадни тақсимлаш билан шуғулланади. Технология қоидаларининг ҳар қандай бузилиши брак ҳисобланади, бундай ҳолларнинг ҳар бири кенгаш мажлисида муҳокама қилинади. «Октябрь» ширкати иш бошлаганидан бери ўтган бир йил мобайнида бирор марта ҳам шикоят келгани йўқ. Буюртмаларни фақат давлат нархларида бажармоқда. Ширкатнинг шерикалари орасида «Компрессор» заводи, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкентдаги бошқа корхоналар ҳамда ширкатлар бор. У энг оддий деталлардан то мураккаб ускуналаргача жуда хилма-хил йўналишдаги буюртмаларни бажаради. Энг сўнгги ана шундай буюртмалардан бири резина ва пластмасса чиқиндиларини қайта ишлайдиган дастгоҳдир. Агрегат заводида асосий маҳсулотдан ташқари болалар велосипедлари ишлаб чиқарилади — ширкат ана шу велосипедлар учун баъзи қолиплар ва босмаларни тайёрлаб беради. Ишлаб чиқариш чиқиндиларидан асосий хом ашё сифатида фойдаланилади. Ёшлар жамоаси иш бошлаган вақтдан буён 180 минг сўмлик буюртмаларни бажарди.

Ширкатчилар дам олиш муаммоси нима эканлигини яхши билишади. Уларнинг кўпчилиги завод ётоқхоналарида яшайди. Шу боисдан 32-ётоқхона учун учта рангли телевизор сотиб олишга пулни аямадилар. Ҳар қаватга биттадан телевизор қўйиладиган бўлди. Корхона илғор ёшлари дам олиш кунлари Самарқанд ва Бухорога сафар қилдилар, уни комсомол қўмитаси уюштирди. «Октябрь» ширкати харажатларни ўз зиммасига олди. Заводнинг иккита болалар боғчасида ҳам ширкатчиларни миннатдорчилик билан эслаб юришибди. Бу боғчаларга ширкатчилар ўтказган 7 минг сўм пулга кичкинтойларнинг мебелларини янгилашди, анчагина ўйинчоқлар сотиб олишди.

А. ИВАНОВА,
ЎзТАГ мухбири.

Жумҳурият далаларида

«ОЛТИНКЎЛ» давлат хўжалигининг механизаторлари биринчилардан бўлиб шоли ўриштириб олишга киришдилар. Бу ерда олтита комбайн ишлаб турибди. Ундан кейин «Октябрь» давлат хўжалигида ҳам ўрим машиналари шолизорларга олиб чиқилди. Қорақалпоғистоннинг 23 та ихтисослашган шоликор хўжаликларидан еттитаси ўримга киришди.

— Ҳосил жуда яхши бўлди, — дейди мухтор жумҳурият қишлоқ хўжалик давлат кооператив қўмитаси ғалла экинлари бўлимининг бошлиғи Н. Тян. — Бу йил жумҳуриятимизда шолизорлар қарийб 13 минг гектар камайтирилди, лекин шунга қарамай деҳқонларимиз камида 270 минг тонна шоли йиғиштириб олишмоқчи.

Бу асосан 66 минг гектар ерга экилган шолининг «Нукус-2» тез пишар навидир. Бу йил «Авангард» нави 4006 гектар, «Қорақалпоғистон» нави эса 4100 гектар ерни эгаллади.

Ҳосил ўримига амалда барча хўжаликлар пухта ҳозирлик кўришди: техника ремонти тугалланди, хирмонлар тайёрлаб қўйилди, тозалаш агрегатлари ишга шай бўлиб турибди, шошилинч техникавий ёрдам кўрсатадиган бригадалар тузилди. Энди асосий етиштириладиган ҳосилни 10-15 октябргача ўриб олишдан иборат. Чунки октябрь ойининг иккинчи ярмида ёмғир ёғиши кутилмоқда, ўрим чўзиб юбориладиган бўлса, ғалланинг анчагина қисми нобуд бўлиши мумкин.

* * *

ОЛОТ ноҳиясининг пахта далаларига бу йил четдан бирорта теримчи жалб этилмайди. Бу ерда ҳосилнинг ҳаммасини ўз кучлари билан, айни вақтда унинг 70 фоизини машиналар ёрдамида териб олишга қарор қилдилар.

Ноҳияда ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишга пухта тайёргарлик кўришди. 230 та зангори кема, 52 та кўрак териш машинаси, 60 та кўрак чувиш машинаси ва қолган барча техника шай бўлиб турибди. Буларнинг ҳаммаси хўжаликлар қўшимча равишда 6 миллион сўмга яқин фойда олишларини таъминлайди. Ҳосил узлуксиз равишда терилмоқда. Механизаторларнинг 32 та отряди ва 65 та звеноси икки сменада ишлайди. Бу ерда бунинг учун механизаторлар етарли.

Бухоро вилояти.



Наргиза Ўзбекистон касаба уюшмалари XIV съездига Тошкент Давлат дорилфунуни халқ таълими ва фан ходимлари марказий қўмитасидан вакил бўлиб келган. У кимё куллиётининг 4 курс талабаси. Съездда касаба уюшмалари ишларидаги ютуқ ва камчиликлар, келгусидаги вазифалар юзасидан барча масалалар муҳокама қилинади. Бундай анжуманда қатнашиш учун Наргизага курсдош дўстлари, устозлари юксак ишонч билдиришган.

СУРАТДА: Наргиза РЎЗИБОЕВА.
Сураткаш Б. АЛИМОВ.

Тангликдан чиқишнинг иложи бор

Қотиллик қилгани учун ҳибсга олиниб, тергов қамоқхонасида сақланаётган уч киши овқат улашилаётган пайтда тергов қамоқхонаси бошлиғининг навбатчи ёрдамчисини, биноннинг катта хизматчиси ва икки назоратчини гаровга ушлаб олдилар. Улардан камераларнинг калитларини тортиб олган жиноятчилар у ердаги 233 кишини чиқариб юбордилар. Кароватлардан синдириб тортиб олинган металл таёқчалар билан қўрқитиб, автоматлар ўқ-дорилари билан берилишини, зирҳли камзуллар ва қамоқхонадан ташқарига чиқиб кетиш учун автомашина талаб қилишди. Олиб борилган музокаралар натижасида жиноятчилар ўз ниятларидан қайтдилар, гаровга олинган кишиларни қўйиб юбордилар, жабрланганлар йўқ.

Йил бошидан бери ўттизинчи марта шундай воқеа рўй берди. Бироқ ҳамма можаролар ҳам тинчгина тугагани йўқ — гаровга олинган кишиларни озод қилишда ички ишлар органларининг 126 ходими ҳамда ҳарбий хизматчилар ҳалок бўлди ва жароҳатланди.

Қамоқхона хизматчиларига маҳбуслар нима сабабдан ҳужум қилишмоқда! СССР Ички ишлар вазирлигининг ахлоқ тузатиш ишлари Бош бошқармасининг бошлиғи В. А. ГУЛЯЕВ СИТА мухбирига шундай деди:

— Аҳоли орасидаги баъзи кишиларда, шу жумладан, ходимларимизда ҳам кейинги вақтларда хизматчиларни гаровга олиш юзасидан бўлган ҳодисалар жиноятчиларни қамоқхонада сақлаш тартиби бўшашиб кетганлигининг, ҳаддан ташқари қилинаётган инсонпарварликнинг натижасидир, деган фикр юрибди. Аслида эса бунинг сабаблари анча жиддий. Уларнинг асосийларидан бири шундаки, амалдаги қонунларда суд қилинган кишилар учун асоссиз бир қанча тақиқлашлар бор. Ундаги айрим ҳолатлар, тартиблар халқаро андозаларга мос келмайди. Ишончим комилки, хат ёзиш, қариндош-уруғлар билан кўришиш, ўзининг пулидан фойдаланиш, таътил олиш кабилар чеклаб қўйилганлиги жазо мақсадларига зиддир.

Жазо муддатини ўташ билан боғлиқ муассасалар фаолияти кўпгина давлат ва жамоат муассасаларининг эътиборидан четда қолган. СССР Олий Шўроси ва ҳукуматида жазони ижро этиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга махсус хизмат қиладиган тузилмалар йўқ. Жумҳуриятлар ва вилоятларда ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари идоравий бошқарувнинг объекти бўлиб қолмоқда, холос. Халқ депутатлари маҳаллий Шўроларига жиноий жазолар ижросини ташкил этишда зарур ҳуқуқлар берилмаган, улар судланганларнинг ахлоқини тузатиш натижалари, улар озодликка чиққанларидан сўнг ижтимоий турмушга кўникишлари учун жавобгар эмаслар. Озодликка чиққан кишиларни турар-жойидан рўйхатдан ўтказишда, уларга уй-жойлар беришда ҳали ҳам чеклашлар давом этмоқда.

Бизда ўзимизнинг муаммоларимиз ҳам кўп. Қамоққа олинганлар сони мунтазам ўзгариб турадиган шароитда ишлаб чиқариш алоқаларининг беқарорлиги кучаймоқда. Судланган ҳар тўрт кишининг бири турли сабабларга кўра ишламайди, ишлаётганларнинг тўртдан бири эса ишлаб чиқариш нормасини бажармайди. Муассасаларнинг моддий базаси йилдан-йилга тобора кўпроқ яроқсиз ҳолга келмоқда.

СССР Ички ишлар вазирлиги ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари системасини тангликдан олиб чиқишга қаратилган ислоҳотлар дастурини тайёрлади ва уни СССР давлат ҳокимияти органлари муҳокамасига қўйди. Чунончи, судланганларни уларнинг қай даражада ижтимоий хавфли эканлигини ҳисобга олиб, алоҳида-алоҳида сақлаш, колониялар ва қамоқхоналарда жазо муддатини ўташ шартларини босқичма-босқич ўзгартириш назарда тутилмоқда. Турли хил ахлоқ тузатиш муассасалари иттифоқ, жумҳурият ёки маҳаллий бошқарув идораларига берилади. Судланганлар ва вақтинча қамоққа олинган кишиларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишга кафолат берилади, уларни сақлашдаги ҳаддан ташқари чеклашлар бекор қилинади.

Тарбиявий ишларни киши руҳи кайфиятига таъсир этиш усуллари асосида, шахсни ижтимоий жиҳатдан аниқлаш ҳамда ахлоқ тузатишга таъсир қилишнинг табақалаштирилган дастури асосида ташкил этишни ўйлаяпмиз. Қамоқ жазосига ҳукм этилган кишиларнинг ўз меҳнат натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлиги, уларга нисбатан меҳнат қонунлари қоидаларини иложи борича кўпроқ қўлланиш, муассасаларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини кўрсатма асосида режалаштиришни бекор этиш катта аҳамиятга эга бўлиши керак. Жазо муддатини ўтаб бўлган кишиларнинг эркинликда яшаш шароитларига кўникишларини қонуний асосда бошқариб туриш, собиқ маҳбусларни ишга қабул қилишдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини, давлат ва жамоат кўникма марказларини ташкил этиш зарур.

Жазо муддатини ўташ системасининг давлат-жамоатчилик томонидан бошқарилиши, ахлоқ тузатиш муассасалари, фаолиятини илмий жиҳатдан таъминлашни қайта ташкил этиш, шўро жазони ижро этиш системасини халқаро ҳамкорлик соҳасига киритиш муаммони ҳал этишга имкон беради. Асосий босқичлари 200 йилда тугалланиши кўзда тутилган ислоҳот дастурининг тахминий қиймати амалдаги нархларда 3—3,5 миллиард сўмни ташкил этади.

Шу сонга хабар

СССР Президентининг мурожаатномаси

СССР Президенти М. С. Горбачев иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятларнинг президентларига, Олий Шўроларининг Раисларига, халқ депутатлари вилоят, ўлка, мавзе Шўроларининг раисларига, халқ депутатлари Шўролари ижроия қўмиталарининг раисларига «Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш тўғрисида» телеграмма йўллади.

Мурожаатномада қайта қуриш жамиятдаги сифат ўзгаришларининг ҳал қилувчи босқичига кирганлиги айтилади. У теранлашиб, турмушнинг барча соҳаларини — иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларни қамраб олмоқда, аҳоли барча ижтимоий гуруҳларининг туб манфаатларига дахлдор бўлмоқда, мулкчилик, ҳокимият муассасалари, бошқарув тузилмалари муносабатларидаги туб ўзгаришларни ўз ичига олмоқда. Жараён машаққатли, зиддиятли кечмоқда, аниқ хавф-хатарлар билан таҳлика солмоқда, муайян кучларнинг қаршилигига дуч келмоқда.

Чуқур инқилобий ўзгартишлар ҳақида гап кетаётган вақтда буларнинг ҳаммаси моҳиятан муқаррардир. Бунда сиёсий йўлни изчиллик билан, оғишмай амалга ошириш, ўтиш босқичидаги нуқсонлар кескин беқарорлик тусини олишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Ижтимоий-иқтисодий бурилишнинг руҳи ва у билан боғлиқ қийинчиликлар барча поғоналардаги ҳокимият ўз ваколатларидан ва қонун кучидан тўла фойдаланиб, қатъий ҳаракат қилишини тақозо этади.

Ўт тушди

8 сентябрь, жума куни «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 33-сонли цехига ўт тушди. Шаҳар ўт ўчириш алоқаси марказий пунктига шу ҳақда хабар келди. 6 минутдан сўнг фалокат юз берган жойга саккизта машина етиб келди. 25 минут ичида ўт ўчирилди. Хўш, ёнғин нимадан чиқди?

— Технология жараёнини қўпол равишда бузиш ўт чиқишига сабаб бўлди, — дейди Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бошқармасининг бошлиғи В. Добрий. — 33-цехда смена алмашиш чоғида конвейер тўхтатилди, қуритиш камераси эса ишлайверди. Ўша ерда деталларда қолган бўёқ ёниб кетди. Ёнғин қуритиш камерасидан бўяш камерасига ўтди. Сўнгра томга урилди. Натижада томга ётқизилган 500 квадрат метр рубероид ёниб кетди. Бахтимизга ҳеч кимга шикаст етмади.

Ҳозир ушбу ҳодиса юзасидан текшириш олиб борилмоқда, ёнғин етказган зарар миқдори аниқланмоқда.

Қудуқда ҳалок бўлишди

Икки бола — ака-ука Руслан ва Рафаэль Байзитовлар «Чкалов» станцияси яқинида Тошкент метрополитени қудуғида нафаси бўғилиб ҳалок бўлди. Бу фожиа қудуқни очиқ қолдирган метро ходимларининг бепарволиги сабабли юз берди. Қудуқда кислороднинг жуда камлиги болаларнинг ўлимига сабаб бўлди.

— Биз қудуқ ҳавосини текшириб кўрдик, — деди «Красно-холмскгеология» ишлаб чиқариш-геология бирлашмаси қидирув-суратга олиш экспедициясининг бош геофизиги Г. Перевозчиков. — Қудуқ ҳавосида кўп миқдорда — 5,5 фоиз ис гази, атиги 6,5 фоиз кислород борлиги аниқланди.

Қудуқдаги бу аҳвол ер ости сувларида юз берувчи геохимия жараёнларининг натижаси бўлса керак. Фожиа содир бўлган ноҳияда ер ости сувлари яқин атрофдаги уй-жой посёлкаси чиқитлари билан ҳаддан ташқари булғанган. Айтмоқчи, қудуқнинг ўзида ҳам ер ости сувлари борлиги аниқланди.

Тошкент шаҳар Ҳамза ноҳия прокуратураси Тошкент метрополитени мансабдор шахсларига нисбатан жиноий иш қўзғади. Дастлабки тергов давом этмоқда.

Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Гулистондан сим қоқишди

Гулистон ноҳиясида рўзномамиз ихлосмандлари жуда кўп. Яқинда бўлган учрашувларда уларнинг дил сўзларини эшитдик, таклиф ва истакларини қабул қилдик.

Кеча таҳририятга ноҳиядан сим қоқиб, сизларга хушхабар бор дейишди. Бирор бир бригада планни бажарган бўлса керак деб ўйлагандик. Ҳали бунга бироз фурсат бор дейишди ва қуйидаги саховатли ишни муштарийларимизга етказишни илтимос қилишди: **«Қизил тонг» жамоа хўжалиги бошқаруви йиғилиши рўзномалар 1991 йилги обунасининг нархи ошганлигини эътиборга олиб, шундай қарор қабул қилди: кам маошли оилаларнинг 40 нафар фарзандини «Ёш ленинчи» рўзномаси учун хўжалик ҳисобига бепул обуна қилинсин».**

Биз ана шундай олийҳиммат инсонлар ишлаётган Ўтбосар ака Абдиев раис бўлган хўжалик жамоасига миннатдорчилик билдирамиз.

Байрам бўладими?

Яқинда Москва ва Ленинград шаҳарлари Шўроларининг раислари Г. Попов ва А. Собчаклар Октябрь инқилобининг байрами муносабати билан биргаликда матбуот анжуманини ўтказдилар.

Иккала шаҳарнинг мэри журналистларни шаҳарлар шўролари бошқарувларига «1990 йил 7 ноябрь куни байрам тўғрисида»ги мурожаати билан таништирдилар. Улар Давлатнинг энг асосий байрамини янги Иттифоқ шартномаси белгилаб беришини таъкидладилар. Шунинг учун 1990 йилда ўтказиладиган анъанавий байрам ва шаҳарларни безаш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобламоқдалар.

Байрам ўрнига шаҳарлар Шўролари бошқарувига аҳолини қишки мавсумга тайёргарлик кўриш, иссиқлик исроф бўлишининг олдини олиш, дераза ва эшикларни маҳкамлаш, уй-жойларни яна бир бор кўздан кечиришни таклиф қилдилар. Бу муҳим ишларни амалга ошириш ҳақида матбуотда мақолалар эълон қилинади ва ойнаи жаҳонда эса махсус кўрсатувлар берилади.

Юртдошлар ҳузурида меҳмонда

Фарғона вилоят комсомол қўмитасининг ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналаридан иборат делегацияси Фарғона вилоятидан борган йигитлар хизмат қилаётган Узоқ Шарқдаги ҳарбий қисмларда бўлдилар.

Делегация аъзолари юртдошларимизнинг хизмат ва турмуш шароити билан танишдилар, уларнинг ўртоқлари, командирлари билан суҳбатлашдилар. Улар бошқа миллатга мансуб аскарлар фарғоналик йигитларни камситаётганлари хусусида ҳеч қандай шикоят эшитмадилар. Қўмондонлик ўзбек жангчилари тўғрисида жуда яхши фикрларни айтди. Улар виждонан, чин дилдан хизмат қилишмоқда, ўзларининг меҳнатсеварликлари билан ҳурмат қозонишмоқда.

Жангчилар делегация билан бирга келган «Зилола» ҳаваскорлик дастасининг концертларини самимий кутиб олдилар. Даста программасига ўзбек, рус қўшиқлари ва рақслари, жонажон Ўзбекистон ҳақидаги қўшиқлар киритилганди.

Шу сонга хабар

МАШИНАЛАР ИШ БОШЛАДИ

Маршал Чуйков номли қўриқ давлат хўжалигида пахтани машина билан териб олиш бошланди. Бешта «Ўзбекистон» комбайни далага чиқди.

Хўжаликда ғўза барги ерда ишлатиладиган машиналар ёрдамида тўктирилди, бу билан 100 минг сўмга яқин пул тежаб қолинди. Далалар ижарачиларга топширилади. Шартномага мувофиқ ҳар гектар ердан 16,5 центнер хом-ашё йиғиштириб олиниши лозим. Амалда эса икки баравар кўп ҳосил олиш имкони бор.

Давлат хўжалигида ишчи кучи етишмайди, шу сабабли кўпроқ техникага таянилмоқда. Учта терим-транспорт гуруҳи тузилди. Уларнинг ҳар бирига тележка бириктиб қўйилган. Барча тонфадаги ходимларни моддий рағбатлантириш чоралари ишлаб чиқилган.

51-рақамли қўшни хўжалик пахтакорлари ҳам ҳосилни машинада териб олишга киришдилар.

Қашқадарё вилояти.

ДИЛДАН СУҲБАТ

Ҳаво мавжларида куну-тун бериб борилаётган радио орқали ранг-баранг мавзулардаги эшиттиришлар, дилрабо куй-қўшиқлар жумҳуриятимизнинг ҳамма жойида ҳар бир кишига йўлдош. Айниқса, оқшом пайтлари хонадонлардаги ойнаи жаҳоннинг «зангори экрани» ўз теграсига каттаю-кичикни тўплайди. Бу ҳар куни ҳар хонадонда такрорланадиган одатдаги оддий манзара.

Кимгадир халқаро воқеалар, шарҳловчилар суҳбатлари, иқтисодий, ахлоқий, одоб, оила ва шунинг сингари мавзулардаги эшиттиришлар ҳамда кўрсатувлар маъқул тушади. Яна кимдир радио орқали ёки «зангори экран»да ўйингоҳлардан олиб эшиттириладиган ҳамда кўрсатиладиган футбол мусобақаларини зўр ҳаяжон билан кузатади. Яна бир гуруҳ тингловчилар ўзбек халқ классик куй-қўшиқлари дастасини ёхуд ҳинд кинофильми қўшиқларини дилдан берилиб эшитишади, томоша қилади.

Биз радио орқали эшиттирилаётган ва ойнаи жаҳоннинг «зангори экран»ида намойиш қилинаётган барча мавзуларга тўхталмадик. Хўш, жумҳуриятимиз радио эшиттиришлари ва ойна жаҳони орқали берилаётган кўрсатувлар сизга маъқул бўлаяптими? Сизни қайси мавзулардаги эшиттиришлар ёки кўрсатувлар кўпроқ қизиқтиради? Мана шунга ўхшаш ўз дилингизга тугиб қўйган саволларни **бугун соат 14 дан 16 гача бўладиган Ўзбекистон Шўролари Ижтимоий Жумҳурияти ойнаи жаҳон кўрсатувлари ва радио эшиттириш Давлат қўмитасининг раиси Ғанижа Ёқубович ЁҚУБОВ билан бўладиган «Дилдан суҳбат»да беришингиз ёки ундан олдин хат орқали таҳририятимизга юборишингиз мумкин. Бунинг учун қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинг: 33-95-97, 32-55-84.**

ЯНА БОЗОР ҲАҚИДА

Бозор, бозор, бозор...

Хўш бозор нима ўзи? Бу ибора тилга олинганда, кундалик истеъмолимизга керак бўладиган зарур озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа буюмлар сотиб олинадиган «Чорсу», «Олой» ва барча жамоа хўжалиги бозорлари ҳамда олиб-сотар ҳукмронлик қиладиган чайқов бозори кўз олдимизга келади. Бундай қараш истеъмол бозори ҳақида тор тушунча бўлиб, кенг маънода бозор — буюм ишлаб чиқариш қонунлари асосида ташкил қилинган айирбошлаш, мол ва пул муомаласи муносабатлари йиғиндиси бўлиб, бунда у ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасида боғловчилик вазифасини ўтайди.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва мол ишлаб чиқариш пайдо бўлган замонда ерда, албатта, «бозор» вужудга келади. Бозорнинг катта-кичиклиги ижтимоий меҳнатнинг ихтисослашган даражаси билан боғланганлиги алоқадор бўлади.

Капиталистик жамиятни ҳаракат диалектикасида бозорнинг ривожланиши давомида иқтисодиётни ташкил қилиб, бирлаштириб боради. Айирбошлаш «бозор орқали одамларни бирлаштиради», — деган эди В. И. Ленин.

Ҳозирда иқтисодий таназзулни тўхтатиш ва ундан чиқишнинг бирдан-бир йўли мамлакатда истеъмол бозорини ташкил қилиш бўлиб турибди. Шунинг учун матбуот, ойнаи жаҳон ва радио эшиттиришларида, юқори минбарларда истеъмол бозорига ўтиш ҳақида баҳс кетаяпти. Битта қарор доктринаси билан шартта бошқариладиган бозорга ўтиб бўлмаслигига мутахассис олимларнинг ҳам, бошқарувчи маъмурларнинг ҳам ақли етиб турибди. Истеъмол бозорига ўтиш учун, унинг назарий томони, кадрларнинг йўқлиги истеъмол молларининг тақчиллиги шароитида келажакда допингни вужудга келтира оладими ё, йўқми? Агар йўқ бўлса, бу режа ҳам хато бўлиб чиқади ва инқирозни янада чуқурлаштиради. Ўзингиз ўйлаб кўринг: эҳтиёт бўлмай бўладими? Узоқ даврлар мобайнида барчанинг онгига, «бозорсиз социализм» назарияси сингдириб келинган бўлса, ҳозирги авлод истеъмол бозорини тасаввур қилолмаса, капиталистик мамлакатлардан калтабин-димоғдорлигимиз туфайли ҳамда капитализмнинг кўза ичидан чиқиб кетишидан қўрқишимизни ўрганмаган бўлсакда, ҳе йўқ, бе, йўқ бозор иқтисодиётига ўтсак... Шунинг учун истеъмол бозоридаги буюм ва маҳсулотларнинг миқдорини, сифатини яхшилаш, нархларнинг яширинча ва очиқчасига кўтарилишини, пулнинг қадрсизланишини тўхтатмай туриб ўтиб бўлмайди. Ҳозирда маъмурий-бошқарув аппарати жумҳуриятдаги майда чайқовчиликни ҳам тугата олмаяпти. Агарда молларнинг бозордаги мўл-кўллиги таъминланмаса, истеъмол бозорига нисбатан чайқов бозори кенгайиб амал-тақал қилиб, маошга яшаётганларнинг аҳволи ёмонлашиб бораверади. Ҳозирда жумҳурият аҳолисининг 44,7 фоизи 75 сўм маошга яшаётган бўлса, 200 сўмдан ортиқ маош оладиганлар 2,9 фоиздир, холос.

Кейинги 50 йил ичида (1988 йилгача)АҚШда иш ҳақи 6,3 маротаба ошган бўлса, нарх-наво 2,8 баравар ошди. Бизда иш ҳақи 2,8, моллар баҳоси 6,5 маротаба ўсди.

Ҳозирча ислоҳот, иқтисодий ва молиявий ҳаётни соғломлаштириш бўйича қабул қилинган дастурлар ижобий натижалар бериш ўрнига, мавжуд муаммоларни чигаллаштириб, вазиятни янада кескинлаштирди. 1987 йилда иқтисодиёт марказида тақчиллик тургани ҳолда иқтисодиёт бирмунча мутаносибликни сақлаб турган 1988 йилдан «янгича» хўжалик юритиш формасига ўтиш корхоналарга маҳсулот ҳажмини кўпайтирмаган ҳолда нархни кўтариш ҳисобига иш ҳақини ошириш имконини берди. Натижада бу жараён бизнинг бошқариш иқтисодиётимизда товар тақчиллигини вужудга келтирди. Давлат статистика маълумотига қараганда, бу товар етишмовчилиги 7,5 фоизни ташкил қилган. Рақам кичкина, лекин дўкон пештахталари бўм-бўш. 1988 йилда пул даромадлари 41 миллиард сўмга ўсган бўлса, 1989 йилда 64 миллиардни ташкил қилган. Агарда нарх-навонинг кўтарилиши ҳисобга олинганда эди, уч йўқдай бўлиб қолар эди.

Жумҳуриятда ҳам кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш етарли даражада ривожланмаган. Аксинча, баъзи соҳалар кейинги йилларда қисқарган. Масалан, енгил саноат вазирлиги эркаклар ички кийимларини ишлаб чиқаришни 2 баравар қисқартириб юборган. Туғилиш энг кўп бўлган жумҳуриятда болалар кийим-кечаклари ишлаб чиқариш — 41 фоиз, РСФСРда 56—59 фоизни ташкил қилади. Табиий иқлим шароитларини ҳисобга олиб, миллийликни тиклаган ҳолда, кичик-кичик тикувчилик цехларини ўлканинг барча ноҳияларида ташкил қилинса ва ташқи бозорга ҳам етказиб берилса, тақчилликни юмшатиш мумкин бўлур эди.

Истеъмол бозорига ўтишда жумҳурият имкониятлари иттифоқдош жумҳуриятларга нисбатан оғирроқ келади. Бунинг сабаби жумҳуриятдан ташқарига чиқарилаётган буюмлар 9 миллиард сўмни, келадигани — 13 миллиард сўмни ташкил қилади.

Агар бу мол ҳажми бўйича солиштириб кўрилса, олиб келинаётган моллар чиқараётган буюмлардан 2,6 маротаба кўп. Жумҳуриятга келаётган мол баҳоси юқори даражада бўлиб(айниқса, машинасозлик), жумҳуриятдан чиқаётган товарлар (асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари) баҳоси паст даражада. Нарх-наво мувофиқлаштирилмаган. Бозор хўжалигига ўтиш нарх-навони мувофиқлаштиришни талаб қилади. Акс ҳолда иқтисодиёт инқирози чуқурлашаверади.

Жумҳурият меҳнат тақсимотида пахтанинг — 61, пилланинг — 67 фоизини етиштириб беради. Газ, рангли асл металлар ва, кўплаб қимматбаҳо маҳсулотларни ишлаб чиқариб, мамлакатда учинчи ўринни эгаллаб турибди. Лекин ташқаридан келаётган моллар жумҳурият эҳтиёжини 55—58 фоиз қондираяпти, холос. Модомики жумҳуриятда рангли металлар (хом-ашё) мавжуд экан, ички ва ташқи бозор учун радио-электроника саноатини барпо қилишга имконият етарлидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, яъни «режали бозор» қандай бўлиши керак? Истеъмол бозорида очиқ мукаммал бирликдаги механизм элементлари мавжуд бўлиб, бунинг таркибида ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари, яъни кенг доирадаги товар бозори, бунда, қимматбаҳо қоғозлар ва меҳнат (иш кучи) ётади. Янада кенгроқ доирада — капитал бозори, молия, шахсий меҳнат маҳсулотлари, бадиий-ижодий буюмлар бозорини тушунмоқ керак.

Истеъмол бозори учун инфраструктурадаги аукцион системаси, товар-фонд биржалари, тижорат ахборот воситалари ва маркетинг марказлари вужудга келиб, жумҳуриятлараро бозорлар муносабати асосида иттифоқ бозорининг интеграцияси вужудга келтирилсагина бозор иқтисодиётини барқарорлаштириш мумкин. Бу ишларни амалга ошириш, жумҳурият иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун биринчидан: чет эл капиталининг кириб келишига имконият туғдириш керак; иккинчидан: жумҳурият иқтисодий ўлкаларининг ихтисослашишини чуқурлаштириш ва пул муносабатини қайта қуриш керак бўлади; учинчидан: бозор иқтисодиётига мувофиқ келадиган ривожланган янги молия-кредит, пул, валюта ва банклар фаолиятини жорий этиш; тўртинчидан ахборот воситаларини тўла жалб қилиш, қисқараётган олий ва махсус таълим марказларида менеджер ва маркетинглар тайёрлашга ўтишгина келажакда бозор иқтисодиётини такомиллаштириб бориши мумкин.

Бозор механизми марказида — нарх-наво туради. Эркин бозорда нарх-наво қандай бўлади? Товар-пул муносабати ривожланиши ҳозирда сақланиб қолган назария асосида тузилган. Шунинг учун режалашган бозорга ярамайди. Демак, янгича истеъмол бозори учун баҳо системасини яратиш керак бўлади. Энг аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мувофиқлаштирилган назарий-амалий дастур зарур бўлиб турибди. Илғор Оврупа ва Осиё давлатларининг тажрибасидан фойдаланган ҳолда мувофиқлашган баҳоларни жорий қилиш, билан қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларини таъминлаш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги товар истеъмолининг ҳозирдаги 0,8—0,85 коэффициентни мувофиқлаштириш керак.

Масалан, ГФЖ, Нидерландия, Бельгия, Франция 1,3—1,5 килограмм буғдой 1 литр сутга, 6,5—7,0 кило буғдой эса бир килограмм гўштга тенг, бизда эса 1 литр сут 3-4 килограмм гўшт 15—20 килограмм буғдойга тенг. Бу шу мамлакатларда доннинг қадрланишига, чорвачиликнинг ривожланишига олиб келди. Қадимда четга дон чиқарган мамлакат эндилик четдан дон сотиб олмоқда, яна қандай, кредитга. Чорвачиликда юқоридаги мамлакатлар 1 кг. гўшт учун 1,5—2 кг. дон сарф қилади. Бизда-чи! 7,5 кг. дон сарф қилади. Ҳозирда деҳқонлар бир жуфт аёллар этигини сотиб олиш учун 1,0—1,5 тонна, туфлиси учун 0,5—0,7 тонна, пальто учун 2,0—2,3 тонна буғдой сотиши керак.

Бизда асосий маҳсулот пахта бўлганлиги учун пахтакор деҳқонлар бир жуфт аёллар этиги учун 100—120 килограмм, пальтоси учун 300—350 килограмм пахта сотиши керак. Бир центнер пахта етиштириш учун 36—40 соат меҳнат куни сарфланса, буғдой учун 4,5—5 соат меҳнат куни сарф қилинади.

Бозор иқтисодиётига ўтишда нархлар мувофиқлаштирилмаса, Польшадагидай аҳвол вужудга келиши мумкин. Деҳқонлар қишлоқ йўлларида тез-тез митинглар уюштириб, ўз ҳукматлари тадбирларига норозиликлар билдиришмоқда. Аммо биз ҳам шундай ҳолга етиб келдик ҳисоб.

Баҳони ислоҳ қилишда энг биринчи қатъий давлат чакана баҳоларига эътибор бериб, сўнгра давлат томонидан бошқарадиган чакани баҳолар, шартнома ва эркин бозор баҳоларини ишлаб чиқиш керак. Талаб билан таклифни мувофиқлаштириш учун фақат баҳоларни ошириш керак эмас. Бозорни истеъмол молларига тўлдириш билан ҳам мувофиқлаштирса бўлаверади.

Истеъмол бозорини вужудга келтириш учун либерал йўлдан ҳам фойдаланиш керак бўлади. Бунда марказлашган бошқариш аппаратининг элементлари секин-аста бозор элементлари билан алмашиб боради. Бу дегани бозорда ноҳия ва вилоятларда хўжаликларнинг «қамчи» остида ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини шаҳарларда соттириш, дегани эмас. Бу эркин бозорни ташкил қилишга доир маълумотларга ва аҳоли манфаатларини, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қила олиши дегани. Шундагина бошқариш аппаратидаги нодонлардан ҳам аста-секин қутилиб борилади.

Эндиликда «бошқариладиган бозор»га ўтиладиган бўлинса, миллий кичик-кичик корхоналарни ва касаначиликни ривожлантириш бозор талабига доир товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашишни тақозо қилади. Дўконлар пештахталари шиша ва биллур ҳамда чинни ликопчалари тўлиб тошиб ётган бир пайтда миллий чойнак, лаган ва уларнинг сервизлари тақчил. Чунки бу молларга ташқи бозор ҳам мунтазир. Биринчи навбатда ички бозорни товарга тўлдириш зарур.

Фарғона водийсида ишчи кучи ортиқчалиги, ишсизлик жуда катта миқдордалиги ва истеъмолчининг ҳам етарли эканлигини ҳисобга олиб, модомики, чўнтагимиз қуруқ экан, машина, электроника саноатини жойлаштиришга имконияти бор капиталистик мамлакатлар билан шартнома тузиб, хорижий капиталнинг киришига рухсат бериш керак.

Вақтинча турмуш даражамиз пасайиб, пулнинг таназзули кучаяди. Машҳур Америка иқтисодчиси Леонтьев — Шўро иқтисодиётини елканлари йиртилиб, ўрнида турган кемага ўхшатган эди. Жуда тўғри ўхшатиш. Демак, елканлар кўтарилиб, кема юрганданг очиқ денгизга чиқиб сузиш мумкин. Иқтисодий танглик пайтида эркин бозорга ўтиш, бузоқдан сут талаб қилиш билан баробардир. Бизнинг жумҳуриятимизда иқтисодий кеманинг капитанлари, иқтисодиётни мукаммал билишларига, ақл идрокли эканлигига шубҳа йўқ. Лекин бу кема командаси тўла ўзгарган йўқ. Чунки илгариги кемада хизмат қилиб, қарорлар чиқариб, қарсак чалишиб, гоҳ-гоҳ бақиришиб, гўё кема юраётгандай қилганларнинг мутахассислиги мол доктори, агроном, мироб, рус тили, тарих ва бошқа фан ўқитувчилари кабилар эди. Бундай команда таркиби авторитар раҳбарлик услубида ишлаб келиб, эндиликда тўғридан-тўғри либерал услубга ўтиб олмоқда. Кема эса штатларнинг кўпайишидан борган сари сувга ботмоқда.

Улар ўйлаб топган барча режа, қарорлар бажарилмай қолиб кетиши у ёқда турсин, халқ хўжалигига зарар ҳам келтирдилар. Масалан, «маъмурий-бошқарув аппарати»нинг такомиллаштиришда (ноҳия ва вилоятларни қўшиш) Хрушчев давридаги хатони пунктма-пункт тўла такрорлаб, жумҳурият халқ хўжалигига бир миллиард сўмга яқин зарар келтирдилар. Расмий тафтиш аъзолари зарарнинг бир қисмини қоплаш учун чўнтакларидан бир чақа ҳам тўлаганлари йўқ.

Хуллас, бозор бўйича хулосаларим қуйидагича:

1. Агарда иқтисодий бозорга ўтилса, иқтисодий йўл қўйилган хатолар учун маълум фоиз жарима тўлашни ҳам белгилаб қўйиш керак.

2. Истеъфога чиқишни ҳам вазирликларда йўлга қўйиб, уни Президент Фармони билан мустаҳкамлаш зарур.

3. Хусусий мулкчиликни вужудга келтириш учун, дастлаб давлат ва жамоа хўжаликларини тарқатиб юбориш лозим.

4. Чегарадаги қулфни очиб мутахассисларнинг кенг оламга эркин чиқиб, тажриба, билим олиб келишларига эришиш, эркин савдони вужудга келтириш тарафдорларига қўшилиш керак. Ўзимизда олий ўқув юртларини ҳам хўжалик ҳисобига ўтказиб, кадрлар тайёрлашда қайта қуриш амалга оширилмаса, бозор иқтисодиётига ўтиш чўзилиб кетади. Ўзбекистон ССЖ Президенти ўз мурожаатида айтганидай: ...«Одамлар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тугал таниб, тезроқ қад ростласинлар, адолатсизлик ва йўқчиликка қарши курашда бир-бирларига мададкор бўлсинлар». Истеъмол бозори ҳам шуни талаб қилади.

Р. АБДУМАЖИТОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ИШЧИ ЁШЛАР БЎЛИМИДАН:

Муаллиф иқтисод фанлари номзоди Р. Абдумажитов хулосалари билан танишдингиз. Юқорида тилга олинган мулоҳазалар, хулосалар иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади, деган умиддамиз. Дарвоқе, ҳозирги кунда энг муҳим хом-ашё ресурсларидан янада самарали фойдаланиш ва жумҳурият манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон ШИЖ Вазирлар Кенгаши ҳузурида хом-ашё ва енгил саноат маҳсулоти таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси (Узглавлегснабсбит)ни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Ўзбекистон ШИЖ Президенти Фармонларига асосан шундай қутлуғ қадамлар қўйилди. Ушбу тадбирларнинг қабул қилиниши жумҳуриятимизга яқин вақт ичида жаҳон бозорига тўла ҳуқуқли иштирокчи сифатида чиқишга ва ташқи иқтисодий алоқаларни яхшилашга имкон беради. Шунингдек, булар Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақилликка эришишини таъминлайдиган қувончбахш қадамлардир.



Яхши ишларнинг амалга ошишида оқил раҳбарнинг роли катта бўлади. Бир далил: Шаҳрисабз ноҳиясидаги «Ўзбекистон Компартияси XX съезди» давлат хўжалигига Жалол Рўзиев етакчи бўлиб келди-ю халқбоп ишларга қўл урилди. Илгари қарздан «боши чиқмаган хўжалик йиллар ўтиб «оёққа» турди. Кўп бора қаршилик бўлишига қарамасдан қирадирлар, пахтазорлар боғ-роғларга айланди. Натижаси эса қувонарли.

Ўтган йилларда мевазорлар туфайли миллион сўмлаб соф даромад олинди. Хўжаликнинг мева-чевани қайта ишлайдиган заводи бор. Ундан ҳам ўтган йили қирқ минг сўм соф фойда кўрилди. Меҳнат аҳлининг турмуш тарзи яхшиланди.

Хўжалик директорининг нияти келгусида ниҳолзорларни янада кенгайтириш.

Ш. ШАРОПОВ олган суратда ҳосил йиғиш пайтида (чапдан) Сайёра Ербобоева Қурбоной Равшанова ва Норой Эрматовалар акс этган.

(ЎзТАГ сурат хроникаси).

ХУШХАБАРЛАР

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МЖ Қораўзак ноҳия марказида йилига 20 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган завод ишга туширилди. «Аралводстрой» қурилиш бирлашмасининг 24-механизациялашган кўчма колоннаси уни ишчилар посёлкаси билан бирга фойдаланишга топширди. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ янги корхона ходимларининг 104 оиласи янги уйларга кўчиб кирди. Завод ўз маҳсулотини мухтор жумҳуриятнинг Чимбой, Қораўзак, ва Тахтакўпир ноҳияларига етказиб беради. Корхона ишга туширилганидан кейин бу ерда аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси қисман ҳал этилди.

● ТОШКЕНТДАГИ Ўрта Осиё темир йўллар бошқармаси ҳузурида ишлаётган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш илмий-ишлаб чиқариш марказининг ўзига хос ишланмаси — «Ктан» иссиқхоналардаги сабзавотлар ҳосилдорлигини 25 фоиз оширишга ёрдам берди. Бу ерда ўсимликларни озиқлантириш учун анъанавий нитратлар ўрнига карбонат ангидрид газидан фойдаланишмоқда. «Ктан» газининг атмосферага тарқалиб кетишига йўл қўймайди, ўз навбатида, ўсимликлар ҳам уни кўпроқ «иштаҳа билан» сингдиришади.

● АНГРЕНДАГИ «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ишқорли аккумуляторлар учун ғилофлар тайёрлашни кескин кўпайтирди. Корхонада бозор муносабатларига ўтишга жиддий тайёргарлик кўрилмоқда. Шу туфайли маҳсулот учун қатъий ва салмоқли буюртма даромад гарови бўлади. Бу маҳсулотлар «Воркутауголь», «Карагандауголь» каби корхоналарга ҳам жўнатилади.

Ангренликлар йил охирига қадар буюртмачиларга 120 минг ғилоф юборадилар.

(ЎзТАГ).

АНҲОР БЎЙИДАГИ «МАГНОЛИЯ»

«Мок нан кот» (Магнолия гули) — «Анҳор» қайиқ-эшкак эшиш станциясининг хушманзара ҳудудида ана шундай ажойиб ном билан аталган ошхона очилди. Шарқ услубида қурилган бу корхонани ташкил этишда Кореяни бирлаштиришга кўмаклашувчи совет уюшмаси ташаббус кўрсатди.

Шарқ таомларининг ихлосмандлари бу ерда хизмат қилаётган ошпазларнинг маҳоратини муносиб баҳолай оладилар. Ошпазлар хўрандаларга корейсларнинг ранг-баранг миллий таомларини таклиф этишмоқда. Анъанавий кокси ва бегоддан ташқари бу ерда хилма-хил салатлар, иссиқ ва совуқ таомларни буюриш мумкин. Мазахўраклар бу ерда қирқгулдан тайёрланган таомни, Сибирь чучвараси ва ҳатто Хитой шўрвасини татиб кўришлари мумкин.

Бизнинг унча шинаванда бўлмаган хизматчиларимиздан фарқли ўлароқ, бу ерда мижозларни жуда қадрлайдилар. Уларга жуда яхши ва тез хизмат қилинади.

— Келажакда қишки бино қуришни мўлжаллаяпмиз, — дейди корхона директори В. Хан. — Ходимларимизнинг малакасини ошириш мақсадида бир неча кишини Японияниинг энг яхши ресторанларига иш ўрганиш учун юборишни режалаштиряпмиз. Бу хусусда «фирмачилар» билан дастлабки шартномага эришилди. Ҳозирча эса таэквондо кураши бўйича халқаро мусобақа ўтказишга тайёрланаяпмиз. У октябрь ойининг бошларида Тошкентда бўлади. Биз мусобақа қатнашчиларига хизмат кўрсатиш учун катта буюртма олдик. Тошкентга Аргентина, КХДЖ, Канада, АҚШ, Испания ва бошқа мамлакатлардан 17 та команда келади. Улар бизда овқатланишади.

(ЎзТАГ мухбири).

Долзарб мавзу

Машаққатли йўл

БОШИ БЕРК КЎЧАДАН ҚАНДАЙ ЧИҚИШ МУМКИН?

Обиджон Халиловнинг бош урмаган остонаси қолмади. Қаерга учраса бир хил жавоб:

— Ҳозирча ўрин йўқ. Хабар олиб туринг, ёрдам берамиз.

Сўнгги умид билан ноҳия комсомол қўмитаси котибаси Зуҳрахон Бозорбоевага учрашди. Котиба нима десин? Боши қотди.

— Шундай пайтларда қўлимдан бирор иш келмаганидан ўкиниб кетаман, — дейди Андижон вилояти Ленин ноҳияси комсомол қўмитасининг етакчиси. — Тўғри, айрим ёшларни иш билан таъмин этишга уриняпмиз. Аммо ҳаммасига ҳам умидбахш жавоб қила олмаяпмиз.

Ноҳияда 1456 нафар ишсиз бор. Йил бошидаги ҳисоб-китобларга кўра, ана шу рақамлар қайд этилган. Аммо ишсизлик ўсиб бораяпти-ки, камаймаяпти.

— Ноҳияда 11 минг гектар ерда деҳқончилик қилинарди, — суҳбатга қўшилади иккинчи котиб Обиджон Маматалиев.— Шундан 3,5 минг гектар ерни аҳолига томорқа учун бериб юборилди. Ер қисқаргандан кейин меҳнат қилаётган ёшлар учун ишчи ўрни ҳам камаяди-да.

Бор гап. Кечагина деҳқончилик билан шуғулланаётган ёшлар иш излашга мажбур бўлишяпти. Биз аҳолига томорқа беришни ёқламаслик фикридан йироқмиз. Таъкидламоқчимизки, ишсизлик муаммоси тобора тиғизлашиб бораётир.

Мутахассислар масалага ечим топиш учун Ленинск прицеплар заводини кенгайтириш йўлларини ҳисоб-китоб қилдилар. 1600 ишчи ўрнини яратиш учун 20 миллион сўм харжлаш лозим экан. Кишини ўйлантириб қўяди. Бундай катта маблағни қаердан топиш мумкин? Ахир тийинлар ҳам ҳисобланаётган ҳозирги кезда бунинг уддасидан чиқиш амри маҳол-да.

— Қўлни қовуштириб ўтирганимиз йўқ, — дейди Зуҳрахон. — Боши берк кўчадан чиқиш йўлларини қидиряпмиз. Ёшлар марказида 15 нафар ёш ишлаяпти. «Правда Востока» хўжалигида 200 ёшни иш билан таъминлайдиган Италия фирмаси ҳамкорлигида консерва заводи ишга тушяпти. Қурилиши ниҳоясига етказилаётган аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уйида 50 киши ишлайди. Шаҳар марказидаги буғхонада 220 ишчи ўрни яратилади.

Албатта, булар эртанги кунда амалга ошириладиган ишлар. Аммо ноҳия хўжаликлари ташаббускорлари ҳар қандай фойдали ҳаракатни амалда синовдан ўтказаяптилар. Ахир халқимиз ҳаракатдан баракат, дейдилар-ку!

— Ишсизликнинг нақадар оғир эканлигини бошдан кечирган киши билади, — сўзлайди Ленин номли жамоа хўжалигида яшовчи комсомол аъзоси Муҳайё Мирзаева. — Билмадим яна кимлардан нажот кутишим мумкин эди. Аммо хўжаликда консерва цехи очилди-ю, машаққатлар ортда қолди.

Жамоа хўжалигига қарашли автопаркнинг бир қисмида усти ёпиқ бинолар бор эди. Ундан кимдир темир-терсакни сақлашда, бошқа биров минерал ўғит асрашда, яна аллаким эҳтиёт қисмларга бошпана сифатида фойдаланарди. Қизиғи шунда эдики, аксарият ҳолларда жой қаровсиз ётарди. Ноҳия комсомол қўмитасининг аввалги котиби хўжаликка фирқа ташкилоти котиби бўлиб келди-ю, жамоа хўжалиги раиси, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Йўлдошали Ирисов билан маслаҳатлашди. Тўғри, кимдир эътироз билдирди. Аммо эртанги ўйлаганлар хўжаликда консерва цехи қуришни ғоят мақбул иш деб топишди. Шундай қилиб 120 минг сўмлик асбоб-ускуна сотиб олинди. 1 гектар ерга эса помидор, патинжон сингари консервабоп экинлар экилди. Албатта, уззу-кун ишлаб турадиган цех учун биргина бу хом-ашё билан эҳтиёжни қоплаб бўлмайди. Яна шу нарса эътиборда тутилдики, аҳолининг ўз томорқасида экинлари ҳам бор. Улар беҳуда вақт йўқотиб маҳсулот топшириш учун шаҳарга бориб юрмайдилар. Қолаверса, 19 киши иш билан таъминланди. Ҳозир цехда ойига 1,5-2 минг дона шиша идишда консерва тайёрланяпти.

— Маҳсулотни, — изоҳ беради Мирфозил Олимов, — Красноярск ўлкасига юбораяпмиз. Яқинда 21 минг дона идишдаги консерва юборилди. Эвазига пул эмас ёғоч олаяпмиз. Бошқачароқ қилиб айтганда, маҳсулот айирбошлаш бўлаяпти.

Шубҳасиз, хўжалик учун иш юритишнинг ана шундай йўли фойдали. Ахир минг нафар оилага хўжаликдан томорқа берилган. Уларга қурилиш материали керакми? Сув билан ҳаводек зарур. Яқинда 10 вагон ёғоч олинди.

Цех оз фурсат ичида фойда ҳисобига ишлай бошлади. Яқинда ҳисобчилар унинг 30 минг сўм фойда келтирганини қайд этишди. Масаланинг иккинчи томони: Озода Акбарова, Шарифа Солиева, Умида Мираматова сингари комсомол-ёшлар иш билан таъминланди.

— Авваллари хўжалик пахта йиғим-терими бошланиши билан турли тикув корхоналаридан оёқ узишмасди. Сабаби, этак тиктириш керакда! Шунингдек хўжалик учун чойшаб ёки кўрпа тўшак керак бўлса ҳам аҳвол шу эди. Қолаверса, бир дона этакни 2, 2,50 сўмга сотиб олинарди. Энди-чи? Хўжалик янги боғча қурилиши муносабати билан бўшаган эски бинода тикувчилик цехи очди. Қаранг-ки, бир дона этак 1 сўм 10 тийинга тушаяпти. Бу биргина мисол. Албатта, уни жиҳозлаш осон кўчмади. Хўжалик 5 та тикув машинаси ажратишга қурби етди холос. 6 тасини ишчилар ўзлари уйларидан олиб келишди.

— Шундай қилмасак бўлмайди, — куюнади тикувчи Умида Ҳалимова. — Ахир ишлаш керакми? Зора шу йўл билан пул топиб оилани тебратсак. «Труд» рўзномасида «Афсона ва ҳақиқат» деб номланган мақолани ўқиб ғазабландик. Мухбир жумҳуриятимиздаги 1 миллион ишсиздан бирортасини учрата олмапти экан, бизга келсин эди. Ноиложликдан оиламиздаги тикув машиналарини олиб келиб ишлатяпмиз. Тўғри, маошимиз унчалик кўп эмас. Лекин ишласак бўлди.

Цехдаги ҳар бир қизнинг нигоҳларида, қарашларида худди шундай сўзларни ўқиш мумкин. Жамоа хўжалиги муаммони ҳал этишнинг яна бир йўлини топди. Кўлбола атлас тўқиш цехини ишга туширди. Бир кунда 50 минг дона хом ғишт қуйиш имконига эга бўлган завод маҳсулот чиқаряпти! Радио-телевизор тузатиш, автомашиналарга қаров устахоналари аҳоли хизматида. Албатта, иш ҳам юряпти. Маблағ ҳам колхозчи ҳамёнига келиб тушаётир. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида 1 миллион 800 минг сўм соф фойда кўрилди. Ёшлар эса ишда қўним топаяпти.

— Омборларимизда, —таъкидлайди — жамоа хўжалиги раиси Йўлдошали Ирисов, — бозори касод бўлган минглаб тонна пиллалар босилиб ётибди. Ахир унда меҳнаткашлар заҳмати бор. Биз келгусида пиллани қайта ишловчи корхона қурмоқчимиз. Бу билан бир йўла икки қуённи урамиз. Иқтисодиётимиз бақувватлашади, ёшларни иш билан таъминлаймиз.

Агар жамоа хўжалиги етиштирадиган биргина 74 тонна пиллани қайта ишлаш кўзда тутилса, 720 минг сўм фойда кўрилади. Бунинг нимаси ёмон?

Биз хўжаликдан қайтар чоғимиз жиҳозланаётган от араваларни кўрдик.

— Хўжалигимизда қисқа қатновдаги транспортлардан воз кечмоқчимиз, — деди Мирфозил Олимов. — Сабаби улар ўрнига от-аравалардан фойдаланамиз. Ҳисоб-китоб қилинг-а, ҳар куни транспорт учун 500-600 литр ёқилғи сарф этамиз. Унинг ўрнига аравадан фойдалансак-чи? Биз ютамиз. Ҳам ёқилғи, ҳам эҳтиёт қисмдан, қолаверса, турли машмашалардан холи бўламиз. От бўлса бор. Озуқа етарли.


Қаловини топса қор ёнади. Катта саноат корхонасини қурмоқ учун ўзига яраша маблағ зарур. Шундай экан жамоа хўжалиги ташлаётган қадам ғоят оқилонадир. Қишлоқни саноатлаштириш учун ишни кичик цехлардан бошлаш ҳам фойдадан холи эмас. Ахир хўжаликнинг бунга қурби етса, не ажаб. Масаланинг яна бир томони, хўжалик қўшимча ишлаб чиқаришдан келган фойда эвазига қишлоқни обод қилаяпти. Аъзоларнинг турмушини яхшилаётир. Биргина мисол: қишлоқ аҳли учун 3 километр жойга табиий газ келтирилди. Яна 12 километр учун жиҳозлар олиб келинди. Демак, ҳамма гап ишнинг кўзини билишда. Шунда ишсизлик муаммосига ҳам ечим топилади.

Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Муқаддас китоб

Қуръони карим ва унинт таржимаси ҳақида







Саудия Арабистонида, Пекинда (уйғурча таржимаси) ва «Шарқ юлдузи» (1990 йил 3-сон) ойномасида (ўзбекча таржимаси) нашр қилинган Қуръони карим.

ҚУРЪОН кишилик маданиятининг ноёб дурдонаси ҳисобланади. У мавжуд бўлган динларнинг энг сўнггиси бўлган Ислом динининг асоси. Бадиий жиҳатдан эса араб адабиётининг гултожидир. Қофия билан насрда ёзилган оғзаки адабиёт намунаси. Қуръон бундан қарийб 1500 йил бурун ёғоч тахталарга, сопол парчаларига ёзилиб ва ёдда сақланган фикрлар мажмуасидир. Унда уч ва беш минг йил бурунги хилма-хил қадимий ривоятлар баён қилинган.

Ислом динидан олдинги диний китоблар ҳисобланган Забур, Таврот ва Инжилдан олинган ажойиб ҳодисалар, тарихий воқеаларни эслатиб ўтилади, Қуръонда. Унда Ислом динига амал қилувчилар учун қатъий кўрсатмалар, турли йўл-йўриқлар баён қилинган.

Кўпчиликка маълумки, дин халқнинг маънавий бойлиги. Библия Оврупо маданиятининг таркибий қисми бўлгани каби, Қуръон мусулмон халқлари турмушининг мазмунидир.

Бинобарин, Қуръон таржимаси ҳам ўша халқнинг маданий ва миллий бойлиги. Қуръон Ислом динининг муқаддас китоби ҳисобланиб, у ҳақда 1400 йил давомида мингдан ортиқ китоблар, мақолалар, тафсир ва таржималар ёзилган. Қуръоннинг ўзи дунёда энг кўп тарқалган ва энг кўп ўқиладиган китобдир. Қуръон жаҳондаги йирик тилларнинг деярли барчасига таржима қилинган. Рус тилига эса беш марта. 1894 ва 1907 йилларда Г. С. Саблуков томонидан нашр қилинган Қуръоннинг русча таржимаси бир бетда арабча ёзуви, иккинчи бетда эса русча таржимаси билан диққатга сазовордир. Совет даврида ҳам икки марта (1963 ва 1986 йилларда) нашр қилинган. Академик И. Ю. Крачковскийнинг русча таржимасида.

Қуръон турли вақтларда турли туркий (уйғур, турк, татар) тилларига таржима қилинган бўлиб, афсуски шу кунга қадар (кўпинча оммага мос бўлган графикда) ўзбек тилида нашр қилинмаган эди. Кейинги вақтда чет элларда яшаётган ватандошимиз бўлмиш Олтинхон (Мулла Саид Маҳмуд Тарозий)нинг «Тасвири муборағи» араб алифбосида Саудия Арабистонида, шунингдек, ўзбек тилига яқин бўлган Қуръони каримнинг уйғурча таржимаси 1986 йили Пекинда нашр қилинган. Бу таржима Муҳаммад Солиҳ томонидан 27 тафсир асосида ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтганлиги қайд этилиб, араб графигида ёзилгандир. Шунинг учун ҳам юқорида эслаб ўтилган Қуръоннинг ўзбекча тафсиридан ва уйғурча таржималаридан кўпчилик ўқувчилар фойдалана олмайдилар.

Бугунга келиб, Ўзбекистон ШИЖ Ёзувчилар уюшмаси «Звезда Востока» ойномасининг 1-сонидан Қуръоннинг рус тилидаги, «Шарқ юлдузи» ойномасининг 3-сонидан Қуръоннинг ўзбек тилидаги таржимасини чоп эта бошлаб, ўтмишни тиклаш ва келажак авлодга етказиш йўлида жуда савоб иш қилди. Бу ҳозирги кунда ҳам жасорат, ҳам ҳақиқат бўлиб, демократия ва ошкораликнинг яққол намойиши ҳисобланади. Бу ниҳоятда машаққатли, оғир ва шарафли ишдир. Қуръоннинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва нашр этилиши миллатнинг маданий ва маънавий бойишида шак-шубҳасиз ўз ҳиссасини қўшади. Шунингдек, тил, адабиёт ва тарих фанларининг ривожига ўз таъсирини кўрсатади, шак-шубҳасиз.

Қуръоннинг мазкур ўзбекча таржимаси уйғурча таржимасига нисбатан бирмунча афзалликларга эга. Русча таржимага нисбатан кенг, маънодор ва тушунарли ҳамда тўла изоҳ берилган. Зеро, Қуръоннинг ўзбек тилига таржима қилиниши тилимизнинг бойиши, тушунчаларимизнинг кенгайишига, тарихимизнинг тикланиши ва дунёқарашимизнинг қайта шаклланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Хусусан қуйидагилар диққатга сазовор:

1. Ўндан ортиқ ўтмиш пайғамбарлар — Сулаймон, Довуд, Иброҳим, Исмоил... эслатилади.

2. Сон-саноқсиз диний иборалар; а) Таврот, Забур, Инжил, Фурқон каби диний китоблар; б) Ваҳий, оят, шоҳид, уммат, сура, каломуллоҳ, охират, идда каби беҳисоб атамалар; в) Ибодатга оид намоз, ҳаж, рўзо, сана, ҳамд, тақво, руку, қибла, умра, фарз, суннат, зикр ва бошқалар; г) Мекоил, Дардоил, Жаброил, Харут ва Морут каби фаришталар; д) хилма-хил савоб ва гуноҳлар: рўзоҳ, фосиқ, ажр, ҳаром, мубоҳ, мушриҳ, жаҳаннам, кафорат, осий; з) Эски жуғрофий номлар: Туртоғи, Бобил, Арофат, Мино, Сафо ва Марва ёдга олинади.

3. Хилма-хил афсонавий ривоятлар баён қилинган. Булар натижасида тилимизга янги-янги сўзлар, атама ва тушунчалар қўшилади.

4. Баъзи эски сўзлар тикланади. Умуман олганда ўзбек тили ҳар томонлама бойийди.

Ҳар қандай бошлама иш қийин кенишини ва бу ҳамма соҳалар учун ҳақиқатлигини Маркс «Капитал»нинг кириш сўзида эслатиб ўтган.

Ҳақиқат йўлида, қийинчиликларни енгишда ҳар қандай шароитда баъзи бир камчиликлар учрайди.

Қуръон таржимасининг камчиликлари ҳақида гапиришни аввaломбор «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим»дан бошлаш керакдир. Бу исломнинг асосий шиори бўлиб, турли китоб ва тафсирларда (ўнга яқин) хилма-хил равишда таржима қилингандир.

ЎзШИЖ Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти томонидан нашр қилинган Беруний асарларида «Раҳмли ва меҳрибон тангри номи билан» деб таржима қилинган. 1990 йили нашр қилинган Умар Ҳайёмнинг «Наврўзнома» китобида «Меҳрибон ва ёрлақувчи оллоҳни номи билан» дейилган, «Атеистик энциклопедик луғат»да «Шафқатли ва раҳмли Оллоҳ номи билан» (298-б) ва «Ислом» справочник 1989 й., 222-бетда ҳам шундай ёзилган. Лекин шу справочникнинг 74-бетида эса «Меҳрибон ва раҳмдил оллоҳ номи билан» деб, қайд қилинган. «Фан ва турмуш» ойномасининг 1989 й. 9-сонида эса «Меҳрибон ва раҳмдил Тангри номи билан» деб ёзилган. Қуръони каримнинг Пекиндаги уйғурча нашрида «Ниҳоятда шафқатли ва меҳрибон Оллонинг исми билан бошлайман» дейилган. «Шарқ юлдузи» ойномасининг 3-сонидаги таржимасида «Меҳрибон ва раҳмдил Оллоҳ номи билан бошлайман» деб бошланган. Аслида шакл ва мазмун жиҳатдан эса «Энг меҳрибон Тангрининг меҳрли номи билан» бўлиши маънога мос бўлади. Қуръон — Каломуллоҳ — Оллоҳ сўзи бўлиб, буни бузиб ва ёки бошқа сўз қўшиб бўлмайди. Юқоридаги тафсирларда ва бошқа таржималарда «бошлайман» деган сўз йўқ. (Ҳатто Қуръоннинг рус тилидаги таржимасида ҳам) Алоуддин Мансур таржимаси эса Қуръоннинг уйғурча таржимасига асосланганлигидан далолат беради.

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакки, «Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим»ни рус (Криллица) графигида ёзишда ҳам хилма-хиллик учрайди. Биргина ойнома ва ҳатто бир киши турли жойларда турлича ёзади. Аслида бунга ягона услуб ва қатъиятлик зарур.

Қуръоннинг биринчи «Фотиҳа» сурасидаги «дин» дунёдаги ҳамма илоҳий эътиқодларнинг асоси бўлишига қарамай «жазо» («қиёмат») деб, таржима қилинган. Аслида «дин» — «ҳақиқат» — адолатдир. Аксинча, қарама-қарши маъно келиб чиқади. Русчада эса «суд-адлия» маъносидадир. (Бақара сурасининг 119 оятида ҳақиқат дейилган). Араб тилидаги Оллоҳ ва Рабби ўзбекчасига Тангри, Парвардигор, Тангри таоло, Рабби, Оллоҳ, Оллоҳ таоло, хожа (1, 2, 3) каби ўнга яқин сўз билан бош ва кичик ҳарфларда ифода қилинган. Буларни ёзишда ҳам аниқлик шарт ва қатъиятлик зарур. Акс ҳолда хилма-хиллик ҳамда англашилмовчилик бўлади. Ҳар қандай хўжайин, хозяин, хожа — Тангри бўла олмайди. Аслида «Мавлоно — хўжамиз»дир (П. 286).

Кўп сураларда такрорланувчи ва якунловчи оятлар шиор даражасида бўлиб, улар ўзбекчада турли жойларда турлича таржима қилинган. Масалан «Инналлаҳа ғафурур раҳим» Бақара сурасининг 182- ва 199-оятларида «Албатта Оллоҳ мағфират қилувчи раҳмлидир», 192 оятда «Албатта Оллоҳ кечирувчи, раҳмлидир». 192 оятда «Албатта Оллоҳ кечирувчи, раҳмлидир». 218-оятда эса «Оллоҳ мағфират ва раҳм-шафқат қилувчидир», 226-оятда «Зеро, Оллоҳ шубҳасиз мағфиратли, раҳмлидир» деб ёзилган. Бизнингча «Ҳақиқатда Оллоҳ кечирувчи, раҳмлидир» тўғри бўлади. Худди шунингдек, биргина «Инналлоҳа азизул ҳаким» эса 209-оятда: «Албатта Оллоҳ қудратли, ҳикматли зотдир», 220-оятда эса «албатта Оллоҳ қудрат ва Ҳикмат эгасидир», 228-оятда эса «Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир» ва 240-оятда «Оллоҳ қудратли, ҳикматли зотдир», деб ёзилган. Аслида эса «Ҳақиқатда Оллоҳ қадрли, донодир». 225 ва 235-оятлардаги «Оллоҳ кечирувчи, мулойимдир» эса «Оллоҳ мағфиратли, ҳалим зотдир» деб, деярли таржима қилинмаган. Шунингдек, 74-, 85- ва 149-оятлардаги «Оллоҳ қилаётган ишларингиздан бехабар эмасдир» деб уч хил ёзилган. 233-, 237- ва 265-оятлардаги «Оллоҳ қилаётган ишларингизни кўради» сўзи «Оллоҳ қилаётган амалингизни кўргувчидир» деб ёзилган. Буни 234- ва 271-оятларда ҳам кўриш мумкин.

Қуръон таржимасида аслига нисбатан қўшимча қилинган ортиқча сўзлар ҳам учрайди. Бунга баъзи бир (11, 50, 54 ва 124-) оятлар мисол бўлади. Жумлалар узун. Аслида қисқа, аниқ ва маънодор бўлиши керак. Аслида Қуръон — Каламуллоҳ — Оллоҳнинг сўзи бўлгани учун уни ниҳоятда эътибор билан таржима қилиш шарт. Унга бирорта ортиқча сўз қўшмаслик ёки ундан бирорта сўзни ташлаб кетмаслик керак. Шунингдек, таржимон ўзбек тилининг бойлиги, жозибалиги, рангго-ранглигидан тўғри ва тўлиқ фойдаланмаган. (П. 35) — оятда «овқатланинг»ни «таомланинг» дейилган. Ўзбек тилининг имло луғатига риоя қилинмаган ҳолда «момақалдироқ», «момогулдурок» (П, 19) деб ёзилган.

Шуни алоҳида эслатиб ўтиш керакким, Қуръоннинг мўъжиза ва сеҳрли томони унинг ёзувдаги насрий қофияси, англашдаги чуқур маъноси ва ўқилишдаги қироати ҳисобланади. Таржима бузилмаслиги учун, яъни Қуръон услубига риоя қилган ҳолда унинг қофиясига эътибор бериш шарт эди. Бунинг учун ўзбек тилидаги сўз дурдоналаридан фойдаланиб, зарбулмасал даражасида ифода этиш зарур. Масалан, Бақара сурасидаги 32-оятдаги «Албатта сен ўзинг илму ҳикмат соҳибисан»га нисбатан «Сен билувчи доносен» аслига мос келиб, қисқа, аниқ ва қофиядошдир. Юқорида эслатганимиздек, ўзбек тили бой ва кўп қиррали бўлишига қарамай 2, 4-оятларнинг бир-бирига қўшилиб кетиши ажабланарлидир. (Булар бутун дунё тилларида ажратилган-ку?)

Қуръоннинг ўзбек тилидаги таржимасининг ажабланарли томони шундан иборатки, унда таржима, тафсир, изоҳ ва қавс ичидаги қўшимча изоҳларнинг тўрталаси бир жойда берилган. Аслида таржима алоҳида, тафсир алоҳида ва изоҳлаш бошқа ерда (охирида) берилиши тўғри ва мақсадга мувофиқ бўларди. (Бошқа тафсир ва таржималар шундай қилинган) Қуръон билан таниш бўлмаган кишилар «Қуръон шундай ёзилган экан» деб нотўғри тушунишлари мумкин. Шуларга қарамай ваҳий, мушрик, нозил, салот, ҳидоят каби кўпгина сўзлар изоҳ ва таржима қилинмагандир. Таржима кўп ҳолларда таржимага, тафсир эса қўшимча изоҳга муҳтождир.

Шунингдек, таржимада стилистик хатолар билан бир қаторда орфографик қоидаларга риоя қилмаслик ҳоллари ҳам учрайди.

Юқорида эслатганимиз шахсий фикрлар Қуръоннинг бошлама таржимаси улуғворлигини асло камайтирмайди. Мақсадимиз Қуръон сураларининг кейинги таржимасини ва қайта нашрида унинг сифатини янада яхшилаш ва уни халқнинг севимли ва ўқимишли китобига айлантиришдир. Кўпчилик номидан шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ўзбекларга Қуръон қироати таниш, лекин аксарият арабча ўқишни билмайдилар. Шунинг учун арабча билан ҳозирги (криллица) графигида ёзилса, англаш қулай бўлар эрди. Бу ҳатто арабча ўқишни билганларга ҳам қироат билан талаффуз қилишда енгиллик туғдирган бўларди.

Мисол тариқасида шу йил Уфада Бошқирдистон МЖ ёзувчилар уюшмасининг адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий ойномаси «Агидель»да Қуръон оятлари араб хатида ва араб тилида, кейин унинг талаффузи криллицада ёзилиб, таржимаси ва алоҳида изоҳли тафсири берилганлигини таъкидламоқчиман.

Умуман олганда, қадимий диний китоблар шу тарзда нашр қилинади. Масалан, 1990 йили «Бхагавад-гита»нинг икки томли тўлиқ нашри санскритдаги тексти, русча транслитерацияси, сўзма-сўз ва адабий таржимаси билан тўлиқ изоҳи берилгандир.

Таржимон ҳақида шуни эслатиб ўтиш керакким, Қуръон таржимасининг мазмуни, тафсирини тўғри ва тўлиқлиги унинг Ислом динини ва адабиётини яхши билишлигидан далолат беради. Шунингдек, таржимон — Алоуддин Мансур Ислом динининг тарихидан хабардорлигини билдиради. «Ёшлик» ойномасининг шу йил 6-сонида имом Ғаззолийнинг «Иҳёу улум иддин» таржимасидан ҳам маълум.

Таржимадан Қуръоннинг ўзига хос услуби, насрий қофия, ихчамлик ва маънавий бойлик ифода этилиб, зарбулмасаллик намоён бўлса, бунинг учун келажакда файласуф олимлар, билимдон шоирлар, моҳир таржимонлар, шарқшунос мутахассислар ва дин пешволари таҳрирда иштирок этсалар, нур устига аъло нур бўлур эди.

Хуллас, Қуръоннинг ўзбек тилидаги таржимаси айрим жузъий нуқсонларига қарамай, миллий маданият ва маънавий бойлигимизни оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилади ҳамда у муҳим ва унутилмас тарихий воқеа сифатида ўз муносиб баҳосини олади.

Фатҳулла ЗИКРИЛЛАЕВ,
Тошкент Автомобиль транспорти ва йўллар институтининг доценти.

Хориждан хабарлар

«ИЖТИМОИЙ ПОРТЛАШ» ЭҲТИМОЛИ

МАНАГУА. (СИТА мухбири Игорь Пшеничников). Сандиночилар Миллий Озодлик Фронти агар Президент Виолета Барриос де Чаморро ҳукумати барча сиёсий ва жамоат кучлари билан биргаликда мамлакатдаги жуда оғир иқтисодий тангликни мумкин қадар тезроқ бартараф этишга қаратилган тадбирлар кўрмаса, Никарагуада янги «ижтимоий портлаш» бўлиши мумкин деб огоҳлантирди. Сандиночилар Миллий Озодлик Фронти миллий раҳбариятининг аъзоси Байрадо Арсе бу ерда сўзга чиқиб, «ижтимоий портлаш» октябрь ойидаёқ юз бериши мумкинлигини таъкидлади.

У иқтисодий муаммоларни енгиш йўлларини излашда жумҳурият учун миллий тотувлик зарурлигини айтди. Байардо Арсе Сандиночилар Миллий Озодлик Фронти номидан маъмурларнинг «меҳнаткашлар ғалабаларини тугатишга қаратилган ҳамда Никарагуада ижтимоий барқарорликка ёрдам бермайдиган» сиёсатини қоралади. •

МАЪМУРИЯТ ВАКИЛЛАРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН. **(СИТА мухбирлари Алексей Бережков, Олег Поляковский, Андрей Шитов).** АҚШ Президенти Жорж Буш Хельсинкида бир кунлик олий даражадаги Совет—Америка учрашуви тугаганидан кейин:

«Биз учрашув якунларидан ниҳоятда қаноатландик», — деб таъкидлади журналистларга. Ироққа қарши жазо чораларига амал қилишга даъват учрашувнинг асосий мазмуни бўлди, деди у ва СССР билан АҚШнинг бу масалада ягона позицияда туриши «Саддам Ҳусайн учун жуда тушунарли сигнал бўлиши»ни таъкидлади. «Ўйлашимча бу бутун дунё учун ҳам сигнал бўлади ва мен бундан тўла қаноатландим», — деб таъкидлади Президент.

Ж. Буш учрашув якунлари бўйича қабул қилинган биргаликдаги баёнотни баҳолаб, уни «ажойиб баёнот» деб атади. «Энди жазо чораларининг бажарилишини таъминлаш навбатдаги қадам бўлади», — деб уқтирди у.

Ж. Буш совет раҳбари билан шу йил охирларида ёки келаси йил бошларида янги учрашув ўтказиш эҳтимоли борлигини маълум қилди.

УЧРАШУВГА ТАЙЁРГАРЛИК

БМТ болалар фонди бошқарувининг махсус сессияси жума куни миллатлар ҳамжамияти қароргоҳида ўз ишини тугаллади. Сессия иштирокчилари 29—30 сентябрь кунлари БМТда ўтказиш мўлжалланган болалар манфаатларига доир олий даражадаги жаҳон учрашувига тайёргарлик кўришнинг якунловчи босқичи тўғрисидаги масалани муҳокама қилдилар. Анжуманда болаларнинг соғ-омон қолиши, муҳофаза этилиши ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги декларация, шунингдек, 1990 йилларда қилинадиган ишларнинг тегишли режаси қабул қилинади.

Сессияга бағишлаб нашр этилган ҳужжатларда айтилишича, 2000 йилга бориб, беш ёшгача бўлган болалар ўлимини учдан бир баравар камайтириш мақсад қилиб қўйилди. Бошқа вазифалар орасида болалар ўртасидаги саводсизликни янада камайтириш, энг қийин шароитларда, хусусан уруш шароитида яшаётган болаларнинг алоҳида ҳимоя этилишини таъминлаш вазифалари бор.



Ассошиэйтед пресс агентлигининг хабарига кўра, Ироқ ва Қувайтдан чиқиб кетган ва Ироқ билан Иордания ўртасидаги ҳоли мавзеда тўпланган қочоқлар сони қирқ мингга яқинлашиб қолди. Бу лагерга ҳар куни минглаб қочоқлар келиб қўшилмоқда. Бу эса уларни ичимлик суви ва озиқ-овқат билан таъминлашда қийин муаммоларни келтириб чиқармоқда.

СУРАТДА: қочоқлардан бири.

АП—СИТА телесурати.

Америка ёшлари ҳаёти

● **ВАШИНГТОН.** Август ойида АҚШда ишсизлик кейинги икки йил ичида энг юқори даража — 5,6 фоизга етди, деб хабар қилди жума куни меҳнат вазирлиги. Мамлакатда иш жойлари июль ойига нисбатан 75 мингта камайди.

Ишсизлик, айниқса, ёшлар ўртасида кўпайди: август ойида ёшлар ўртасидаги ишсизлар 16,7 фоизга етди. Июль ойида қора танли аҳоли ўртасидаги ишсизлик даражаси 11,3 фоиз эди, энди бу кўрсаткич 11,8 фоиз бўлди.

* * *

Вакиллар палатаси аъзолари гуруҳи Америка мактабларини «ўқ отувчи қуролдан ҳоли зона»ларга айлантиришни таклиф қилди. Бу гуруҳ конгресс кўриб чиқиши учун «Мактаблар зонасида ўқ отувчи қурол олиб юришни ва шу зоналарда ўқ узишни тақиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Мазкур ҳужжат бандларига мувофиқ «ҳар қандай шахснинг онгли равишда ва бошқалар хавфсизлигига эътибор бермай, мактаб зонаси ҳудудида, яъни мактаб биносидан 300 метргача бўлган масофада ўқ отувчи қуролдан ўқ узишга уриниши» қонунга хилоф деб эълон қилинади. Қонунни бузган шахс беш минг доллар миқдорида жарима тўлаши ёки беш йилгача муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Мактаблардаги хавфсизлик миллий маркази тайёрлаган маълумотлар мактабларда «қуролланиш пойгаси» қай даражага етганлигидан далолат беради. Бу маълумотлар вакиллар палатаси ҳуқуқий қўмитасининг жиноятчиликка қарши кураш муаммолари кичик қўмитасида бўлиб ўтган муҳокама чоғида келтирилди. Шу ташкилотнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 1987 йилда 135 минг нафар бола ва ўсмир мактабга ҳар куни ўқ отувчи қурол билан қатнаган. Камида 270 минг ўқувчи мактабга бир йилда камида бир марта қурол билан келган. Кейинги йилларда мактаб ўқувчиларининг қуролларини мусодара қилиш ҳоллари икки баравар кўпайди.

«Қачонлардир хавфсиз ҳисобланган мактабларимиз зўравонлик майдонига айланди, бунда ўқ отувчи қуроллардан ҳам фойдаланилмоқда, ўқитувчилар билан ўқувчилар эса ҳар томондан ўққа тутилмоқда», — деб таъкидлади конгрессда «ўқ отувчи қурол билан зўравонлик қилишнинг олдини олиш маркази» жамоат ташкилотининг ижрочи директори Барбара Лаутман. «Аччиқ ҳақиқат шундан иборатки, — деб давом этди у, — қора дорига қарши уруш мактабларимиз теварагида ҳам, уларнинг ўзида ҳам олиб борилмоқда». Ўз сўзларини исботлаш учун у Детройт ва Форт-Лодержейл мактабларида яқинда бўлган можароларни мисол қилиб келтирди. Бу мактабларда икки нафар ўқувчи ўз ўртоқлари кўз олдида тўдаларнинг аъзолари ўқидан ҳалок бўлди, шу йил ёзида эса Эль-Пасодаги мактаб ўқувчиси жиноятчиларнинг икки душман тўдаси мактабнинг ёнгинасида отишма қилаётганида жароҳатланди. Хайатсвиллдаги «Фэрмон хейтс» мактабининг 17 ёшли ўқувчиси мактаб эшиги ёнида муштлашаётган икки болани ажратиб қўйишга уринаётганида қорнига ўқ тегиб оғир яраланди. Калифорния штатининг Лонг-Бич шаҳридаги «Линдберг» мактабида ҳатто баландлиги уч метр келадиган юз метрлик бетон девор кўтаришга тўғри келди. Ўқувчиларни дайди ўқлардан муҳофаза этиш учун ана шундай қилинди. Бундай ўқлар илгари бир неча бор мактаб ҳудудига учиб кирган эди. «Ўқ отувчи қурол билан зўравонлик қилишнинг олдини олиш маркази»нинг маълумотларига қараганда, фақат кейинги тўрт ўқув йили ичида 35 штатда ва Колумбия федерал мавзесида мактаблар ҳудудида отишмалар бўлиши ҳамда болаларни гаровга олиш ҳоллари юз берди. Натижада 69 киши —ўқувчилар, ўқитувчилар, техник ходимлар ҳалок бўлди, 190 киши эса яраланди.

6,8 миллион кишидан кўпроқ аъзоси бўлган нуфузли «Ота-оналар ва муаллимлар миллий конгресси» ташкилоти қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Бу ташкилот конгресс кўриб чиқиши учун тақдим этган баёнотда таъкидланишича, ўқ отувчи қуроллардан ҳоли «мактаб зоналари тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши мактаб маъмурлари ўқувчилар хавфсизлигини таъминлашга азму-қарор қилганликларини кўрсатувчи яққол далилдир».

(СИТА).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

БУЮК БРИТАНИЯДАН СССРГА

● СОВЕТ - БРИТАНИЯ мутахассисларининг ҳаво шарида биринчи марта биргаликда учишга тайёргарлик ишлари якунланди. Энди бу ёғи фақат об-ҳавонинг қулай келишига боғлиқ, деб хабар беради «Доктус» ҳаво шарини тайёрлаган «Камерон балунз» компаниясининг вакили.

Ҳаво шари яқин кунларда Кардингтондан ўз йўналишини бошлайди. Агар об-ҳаво яхши бўлиб турса «Доктус» экипажи икки-уч кеча-кундузда Совет Иттифоқи ҳудудига етиб келади ва Ленинград атрофларига қўнади.

БИРДАНИГА 8 КИШИ

● СЕНЕГАЛНИНГ жанубида яшовчи Руги Деме оиласи фалокат остида қолди. Жала қуйиб, кучли момақалдироқ бўлаётганда Руги икки фарзанди ва 5 нафар сингиллари билан ўзининг кичик кулбасида эди. Бирдан кулбага чақмоқ тушди ва...

Қўшнилар эшикдан киришганда саккиз нафари ҳам ҳалок бўлган эди.

ИТАЛИЯ ҚАЕРДА!

● ЮЗ НАФАР италияликдан Форс кўрфази қаердалиги сўралганда, атиги 26 нафаригина дунё харитасидан аниқ кўрсатиб беролди, холос. Ваҳоланки, шу кунларда бу ҳудуд ҳар соатда тилга олинмоқда.

«Докс» деб аталган жамоатчилик фикрини ўрганиш хизмати билан «Туринг-клуб» биргаликда олиб борган тадқиқот яна шу нарсани кўрсатмоқдаки, италияликларнинг ҳар еттитадан биттаси харитадан ўзининг мамлакатини тополмайди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Иттифоқ бўйлаб

Бунин музейи

Шу кунларда улуғ рус ёзувчиси Иван Алексеевич Бунин туғилган куннинг 120 йиллиги ёзувчи мухлислари томонидан кенг нишонланмоқда. Яқинда ёзувчи туғилиб ўсган ва таълим олган Ельце шаҳрида унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-мемориал музей очилди. И. А. Бунин музейини яратишда маҳаллий педагогика институти ходимлари Софья Краснова, Галина Климова ва мактаб ўқитувчилари Тамара Крюшенко, рассом Николай Климов, ўлка-тарихини ўрганувчи «Веча» клубининг аъзолари катта фидойилик қилишди. Музей кундан-кунга кўргазмаларга бойиб бораяпти. Эдинбург дорилфунуни ходими, Бунин меросини сақловчи М. Грин бир қанча китоблар ва ёзувчи фойдаланган маиший хизмат буюмларини музейга топширди.


Музей ходимлари томошабинлар учун Ельце бўйлаб саёҳат, Бунин асарларини тарғиб қилиш билан бирга адабий суҳбатлар ҳам ташкил этишган.


Томошабинлар эски Ельценинг тор кўчаларида сайр қилиши, кўл бўйида дам олиши, Иван Алексеевич туғилган уйни кўриши мумкин.

СУРАТЛАРДА: 1. Ёзувчи Зинаида Шаховскаянинг Иван Алексеевич билан Париж шаҳридаги учрашувлари, улардан олган таассуротлари ҳақида битилган китоби ҳам музейдан жой олди.

2. Ельцедаги Вознесенский ибодатхонаси.

(СИТА суратхроникаси).





Болалар китоби ҳафталиги олдидан

БОЛАЛИК НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

Эсингизда бордир, Иттифоқ болалар китоби ҳафталиги деган кунлар. Бу ҳафталик анъанавий бўлиб, ҳар йили иттифоқдош жумҳуриятлар пойтахтининг бирида тантанали равишда очиларди. Ўзбекистонимиз ҳам бу ҳафталикка бир-икки марта дастурхонбошлик қилган. Эллик, олтмиш йилларда ёзувчиларни бир ерга йиғишарди. Кейин гуруҳларга бўлиниб учрашувга чиқиб кетишарди. Бу китоб байрамларининг яхшилиги шунда эдики, турли миллат ёзувчилари аввало бир-бири билан яқиндан танишарди. Энг сара асарларини таржима қилиб, ўз юртларида тарғибот қилишарди. Ҳозир эриш туюлса ҳам дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашарди.

...ра, деб ҳазил аралаш танбеҳ беришди.

Мана энди Иттифоқ деган сўзга ҳам кўз тегди. Ҳозир «Аҳил, иноқ, биродар Бўй-бастимиз барабар...» ҳам демай қўйдик. [illegible]

Болалар ёзувчилари неча марта йиғилишган бўлса, шунча марта ҳафталикни [illegible] Набатма-навбат...

...нинг китобларин таржима қилинарди. Катта ҳажмда, кўп нусхада нашр этиларди. [illegible] совға қилишарди. [illegible] меҳмондорчилик, совға-салом.

Белорус тупроғида ўтган китоб байрамида гуруҳ раҳбари С. Алексеев икки кунда Москвага қараб жўнаб қолди. Суриштирсак, унинг асарларини таржима қилиб, чоп этишмабди. У хафаҳол жўнади. Лекин Ўзбекистондан ҳам қуруқ кетди. Чун-...

...даги мустақиллик, мардоналикка чорлаш.

Чамамда марказдан ўргинишга берилиб, батамом ўзлигимизни унутиб қўйганга ўхшаймиз. Йўқса, меҳнатнинг тагн роҳат, тишингни тоза тут, ёши улуғга ўринингни бўшат, деб шеъру достонлар, ҳикоялар [illegible]

...ўқув йилининг, яъни 16 сентябрдан то 23 сентябргача жумҳуриятимизда биринчи марта ўзимизнинг (бир марта мақтанайлик) ўзбек болалар китоби кунларини ўтказишга қарор қилинди. Бундай байрамнинг ўтишига оқ йўл тилаб, ҳамжиҳатликни қўлга олганлар — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Китобхон» жамияти, халқ таълими вазирлиги, жумҳурият комсомоли Марказий Кўмитаси, Матбуот Давлат Кўмитаси бўлишди.

Қайта қуриш авжига чиққан бир пайтда бу ҳафталик ҳам ўтмай қолди. Кўз тегди. Гуржи дўстларимиз китоб байрамига яқин қолганда бўлди-бас, дейишди. Албатта бу уларнинг иши. Аммо белорус тупроғида ўтган китоб байрамида шу халқнинг забардаст шоири Максим Танк бир суҳбатда — «Ҳамма байрамларни йўқотсак йўқотамиз, аммо болалар китоби ҳафталигини сақлаб қоламиз», — деганди. Бундай дейишга сабаб бор эди. ЁЛКЕИ Марказий Кўмитасининг ўша йиллардаги биринчи котиби Мироненко болалар байрамини ўтказмасликка қарор қилганди. Эсимда, болалар адиблари украин болалар шоири Богдан Чалийни биринчи келган кунимизоқ ўраб олишди. Сенинг юртдошингнинг қилаётган ишини қа-...

...марказ гуруҳига бошчилик қилиб келадиган А. Алексин, С. Алексеева, ё яна бирорта номдорнинг [illegible] Баъзи бир устозларга бу гапларим қаттиққроқ ботар. Келиб-келиб шундай одамларни танқид қиламан, деб. Ҳатто, сени ўзинг кимсан, бу ёзувчиларни иттифоқ, бутун дунё танийди, дегувчи акаларимиз ҳам орамизда топилади. [illegible]

Ҳамма гап шундаки, Иттифоқ доимий бошчилик қиладиган раҳбарларни билмайдиган кимса йўқ эди. [illegible] биринчи раҳбарлик қилувчи-...

...нинг ўзганларини [illegible] нашриётларимиз [illegible] Таржимонларимиз бел боғлаб ўгирди. Натижада ўша А. Алексин, С. Алексеевнинг тўла танланган асарлари [illegible] Москвада китоб чиқариш. Чиқди, демак Иттифоқ танийди. Дунёга танилади... [illegible] шогирдига ёздириб қўл қўядими,...

...лиги қаерда қолади. Таклиф амалга ошса нима бўларди.

Ўзингизга маълумки, Иттифоқ болалар китоби ҳафталиги 24 мартдан то 31 мартгача давом этарди. Айни болаларнинг баҳорги таътилга чиққан пайт. Нима бўлсаям ҳафталикни ўтказиш, ёзувчилар билан ёш китобхонлар учрашувини ўтказиш мажбур. Машмаша бошланади. Кашшофлар уйлари, кутубхоначилар чоп-чоп қилиб тингловчи йиғади. Ўтдими, ўтди. Бўйғи катта-катта анжуманларда ҳисоб бериш.

Лекин бир нарсанинг гувоҳи бўлдимки, ҳозир катта-ю кичик бу борада бош қотира бошлади... Шу бўлса болтиқбўйи жумҳуриятларидан келган адибларнинг ўзларини тутиши, уларнинг асарларининг мағзи тўқлиги, ижтимоий, фалсафий фикрларга бойлиги. Шеърлар-...

...ақлни марказдан олишга одатландик. Болалар байрамлари, ҳафталикларини қай йўсинда ўтганини тасаввур қилишингиз учун ушбу аччиқ ҳақиқатни айтишни ўзимга эп кўрдим.

Ҳушёр тортаётган кунларда яна бир мулоҳазани айтмоқчиман, узоқ йиллар биз [illegible] Бора-бора ўрта осиёликлар бегоналашиб, [illegible] воқеаларнинг гувоҳи бўлдик.

Айтингчи, болалик нимадан бошланади, ёвузликка ўргатишданми? Болалар адиблари бир биринчи бўлиб, бунга йўқ деб жавоб бердилар.

Мустақиллик, хур фикрлаш, сари борар эканмиз, ўз овозимиз, ўз сўзимиз ҳам бўлиши керак. Ана шу айтганларимнинг исботи ўлароқ, янги...

Худди ана шу 16 сентябрь куни жумҳуриятимиздаги барча сайлғоҳлар болалар ихтиёрига бериб қўйилади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятларидан болалар ёзувчилари бу байрамга меҳмон бўлиб келади. Катта сайлни эса пойтахтдаги Комсомол номи билан аталувчи дам олиш ва истироҳат боғи бошлаб беради. Болаларнинг жумҳурият сайлида «Менинг биринчи китобчам» конкурсининг ғолиблари [illegible] Болалар китоб байрами кунлари бундан кейин ҳам келишув бўйича жумҳурият пойтахтида навбатма-навбат ўтади.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ тилаги битта — болаларимизнинг ҳаёти — китобхонликдан, ўз-ўзини танишдан бошлансин. Қани айтингчи, ким бунга хайрихоҳ бўлмайди дейсиз! Чунки бир ҳафта ўтадиган китоб байрамининг эгаси ҳам, раҳбари ҳам болалар бўлади. Хизматида эса болалар ва ўқитувчилар, ҳамда... болажон бошлиқ амакилари...

Сафар БАРНОЕВ,
Ўзбекистон ССЖ Ёзувчилар уюшмаси болалар адабиёти кенгашининг раиси.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар

АНЪАНАЛАР ДАВОМЧИСИ

Қўҳна Фарғона музофотида қанчалаб улуғ санъаткорлар етишиб чиқмади дейсиз? Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Муроджон Аҳмедов... Оламга татигулик муборак, муқаддас номлар. Бу зотлар бугун жисман йўқ бўлсалар-да, санъатлари яшамоқда, ҳар бир ўзбек хонадонида қўшиқлари янграмоқда, кўнгиллар маънан озиқ оляпти...

Ростгўй, халқона қўшиқларга ташна қалбларни юпантирувчи ҳаракат ҳам борки, бу ҳаракатни қутламоқ ва олқишламоқ керак. Санъатдаги ўзига хос бўлган бу ҳаракатни яшаб ўтган халқ ҳофизлари руҳига топинган ёш қўшиқчилар — давомчилар вужудга келтирганлар.

Юқоридаги мулоҳазаларнинг таъбир жоиз бўлса, истеъдодли ёш қўшиқчи Маъмуржон Тўхтасиновга ҳам тааллуқли жиҳатлари бор. Сабаби, унинг ҳурнафас овози мақомга интилади ва маълум даражада забт этади ҳам. Унга ёш ҳофиз, деб нисбат берилса, мухлислари кўнглидагидек гап бўлса керак. Аслида ҳофизнинг катта-кичиги бўлмайди, халқ эътироф этса бас.

Маъмуржон улғайган оилада санъаткорлар йўқ, лекин санъатга, санъаткорларга меҳрлари баланд. Оила бошлиғи Салимжон ака классик қўшиқларнинг мухлиси. Айниқса, халқ ҳофизлари Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов ижро этган қўшиқларни мароқ билан тинглайди. Йигитлик даврида бу ҳофизларни кўрган, ёқимли овозларига маҳлиё бўлиб, қўшиқларини эшитган эди. Ҳозир ҳам гоҳ-гоҳ ҳофизларнинг қўшиқлари ёзилган магнит лента給ларини қўйиб, соатлаб тинглайди. Маъмуржон ҳам шундай қўшиқларни тинглаб улғайди, мурғак қалбида санъатга бўлган муҳаббат оловланди. Отаси унга нега Маъмуржон деб ном қўйганлигининг сабабини ҳам тушуна борди. Дарвоқе, Салимжон ака, ўғил кўрсам унга халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқовнинг номини қўяман, деб ният қилган эди. Яхши ниятига етди. Тўғриси, у ўғлига ҳофиз исмини қўйган бўлсада, ҳофизнинг йўлидан ҳам кетади, деб ўйламаган эди. Бугун ўғли камолини кўриб беҳад қувонади, ўзини бахтиёр сезади.

— Дастлабки қўшиқларимни мактаб саҳнасида айтганман, — деб ўзи ҳақида ҳикоя қилди Маъмуржон. — Ўзимга ёқиб қолган қўшиқларни ёдлаб олиб, хиргойи қилиб юрардим. Тўйларга ҳам қўшиқ эшитиш, ўрганиш учун борардим. Пул йиғиб рубоб, тор сотиб олганман. Мана, санъат гулшанида ўз ўрнимни излаб юрибман.

Ёш қўшиқчининг босиб ўтган йўлига назар ташлайлик. Ўрта мактабни тугаллагач, Қўқондаги автомобиль йўллари техникумида ўқиди. Қўшиқ айтишни тарк этмади. Техникумдаги бадиий ҳаваскорлик дастасида қатнашди. Ҳарбий хизматдаги даври қўшиқчилик борасидаги тажриба ва маҳоратини оширди. Омади келиб, йигитлик бурчини Тошкентда, таниқли хонанда Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги ҳарбий дастада ўтади. Хизматдан кейинги йилларда ноҳия маданият уйида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади. Ўз устида тинмай изланди. Сўнгра Тошкент Давлат Маданият институтида таҳсил олди. Институтдаги «Нилуфар» дастасининг ривожида Маъмуржоннинг хизмати катта бўлган.

Ноҳия маданият уйи қошидаги «Зилола» халқ дастасининг такомил топишида, эл ҳурматини қозонишида ҳам Маъмуржоннинг инкор этиб бўлмас улуши бор. Шу кунларда 14-мусиқа мактабида ёшларга санъат сирларидан сабоқ бериш билан бирга концертларда қатнашишга вақт топади. У ёшлар даврасида куйлашни ёқтиради.

Санъат кишидан фидойиликни, курашни талаб этади. Ҳар қадамда муваффақиятга ҳам, муваффақиятсизликка ҳам дуч келиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, санъаткорни ҳар неки қилса ҳам халқ, мухлислари қилади. Илло, Маъмуржон ўз қўшиқлари билан эътибор қозонди ва бу эътироф ҳали янада улғаяди, деган умиддамиз... У илк бор жумҳурият радиоси орқали берилган «Танишинг: янги овозлар» эшиттиришида қатнашиб, қўшиқ куйлагандаёқ кўпчилик унинг келажаги борлигига ишонч билдирган эди. Шундан сўнг «зангори экран»да чиқиш учун эшик очилди. Қисқа вақт ичида радио, телевидение орқали кўплаб қўшиқлар куйлади, у ҳақда алоҳида эшиттириш-концертлар тайёрланди. Репертуаридаги қўшиқлар сони тобора ортиб бормоқда. Тўғриси, у учун қўшиқлар сони эмас, сифати аҳамиятлидир. Озгинаю созгина куйлашни хуш кўради, эътибор қозониши ҳам шундан бўлса керак. Ҳар бир қўшиқ устида ойлаб меҳнат қилади.

Бир мисол. Эркин Воҳидовнинг Фузулий ғазалига боғлаган мухаммасини қўшиқ қилди. Бу қўшиқни қиёмига етказиш учун уч ой меҳнат қилди, изланди. «Ўлмасам зор анга таркі оҳу зор этмасмидим» деб бошланадиган бу ғазални кўпчилик санъаткорлар қўшиқ қилишган. Лекин тан олиб айтиш керак, Маъмуржон ҳам бу қўшиққа янгича руҳ бахш этди, ўз йўлида, ўз овозида айтди.


Навоий, Бобур, Эркин Воҳидов, Жамол Камол ғазалларидан доимо илҳом олади. Уларни тинмай ўқийди, мағиз-мағизига етишга уринади, қурби етганларини қўшиқ қилиб айтади. Ҳар бир қўшиғида қалби бор, бир парча умри бор. Унинг қўшиқчиликдаги ютуқларидан бири шуки, у катта қўшиқларнинг авжида, таъбир жоиз бўлса, «қавати» усулини қўллади. Яъни юрак қўрини қўшиқлар авжига икки ҳисса қўшди. Қўшиқчиликдаги бу ҳодисани тушунтириш мушкул, эшиттириб таърифлаш мумкин, холос.

— Маънан устозим Маъмуржон Узоқовнинг деярли барча қўшиқларини ёд олганман, мусиқалари ҳам юрагимда жо, — деб сўзида давом этди Маъмуржон. — Лекин устоз қўшиқларини айтишга чўчийман, ботинолмайман. Бирор ерида камчиликка йўл қўйишдан ҳадиксирайман. Лекин вақти келса айтаман!

Унинг режалари бир олам. Яқинда яна бир катта ижодий синовдан ўтди. Телевиденеда суратга олинаётган Бобур ҳақидаги видеофильмда улуғ шоир ғазаллари билан айтиладиган талай қўшиқларини куйлаб, суратга тушди. Бир неча янги қўшиқ тайёрлаяпти.

У Эркин Воҳидов сўзи билан айтиладиган қўшиғида «Иқбол пешонамга битган ошёним — Ўзбекистоним» деб куйлаган эди. Менимча, Маъмуржон Тўхтасинов ҳам Ўзбекистонимиз пешонасига битган яхши, истеъдодли қўшиқчилардан биридир.

Мухлис ЖЎРАБОЕВ.



Невара қувончи   **Ж. БОБОРАҲМАТОВ** олган сурат.

ҲОМИЙ

Ёш пианиночи Юнона Хўжаева ва унинг мураббийси Ольга Толмачова пианиночиларнинг ОФЖда бўладиган халқаро кўригига таклифнома олишган эди. Уларнинг сафари барбод бўлишига сал қолди. Андижондаги 3-мусиқа мактабида валюта йўқлиги сабабли бу иқтидорли қизнинг кўрикда қатнашмаслик хавфи туғилди. Рўй берган воқеадан хабар топган мусиқа санъатининг катта ихлосманди, «Хлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси С. Содиқов уларга валюта билан ёрдам берадиган бўлди.

Улар жаҳоннинг барча мамлакатларидан уч юз нафар мусиқачи тўпланган Эттиген шаҳрига сафар қилдилар. Гарчи ўн икки ёшли Юнона кўрик совриндорлари қаторига кирмаган бўлса-да, у ниҳоятда бахтиёр — унинг учун бундай беллашувда қатнашишнинг ўзи ҳозирча муҳимдир. **(ЎзТАГ).**

КОМПЬЮТЕРЛИ СИНФЛАР

Бундан бир-икки йил илгари Тошкент ноҳияси мактаб ўқувчилари «ақлли» компьютерлар ҳақида фақат «зангори экран» ва матбуот орқали таниш эдилар. Эндиликда эса қишлоқ мактабларига ҳам электрон-ҳисоблаш машиналари кириб келди. Бир йўла 28 мактабда ЭҲМ синфлари очилди.

— Бундай синфларда машғулотлар қизиқарли ўта бошлади, — деб ҳикоя қилади 37-мактаб директори Н. Зоидов. — Айниқса, юқори синф ўқувчилари орасида математика фанига қизиқиш ортди. Тажрибали математика ўқитувчиси М. Умирова тез кунда ЭҲМ машиналарида ишлаш сирларини ўқувчиларга қунт билан ўргата бошлади. Эстетик дид билан безатилган синф хоналарига ҳар сафар ўқувчилар қувонч билан кириб келишади.

Бу йил ноҳияда компьютерли синфлар 30 тага етди.

(ЎзТАГ мухбири).

ТВ

13 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

● **ЎзТВ I**

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Ўзбекистон халқлари тарихи. 12.00 «Далалар узра юлдузлар». Телефильм. 12.30 Ўзбекистон халқлари тарихи (рус тилида). 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Медаллар машаққати». Бадиий фильм. 2-серия. 14.10 «Истиқбол эгалари». Телефильм («Ўзбектелефильм»).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Арава». Мультфильм. 18.20 «Тошкент—Сиэтл: билим риштталари». 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан. «Навоий гулшани». 20.30 Москва. «Вақт». 21.40 «Камолот сари». Эркин Қайтаров ва Замира Раҳматуллаева 21.50 Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Жаҳонгир Маматов сўзлайди. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Экран таништиради...». «Мардикор», «Буюк ипак йўли». Режиссёр Баҳодир Аҳмедов. 23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **ЎзТВ II**

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Шунчаки саргузашт». 18.30 «Меҳрибонлик». Телефильм. 18.50 «Спортдаги умр». СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери С. Заболотнов ҳақида очерк (рус тилида). 19.20 «Ихтирочи билан учрашув». С. Большаков (рус тилида). 20.05 «Қўшиқ сени топади». Фильм-концерт.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Кўҳи баланд». Москва ноҳияси 22.00 «Ахбор». 22.15 «Кўҳи баланд» кўрсатувининг давоми. 23.05 «Якка суаиш». Бадиий фильм.

● **МТ I**

6.00 «120 минут». 8.05 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР—Норвегия терма командалари. 9.45 «Инсон. Ер. Коинот». 10.50 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 11.50 Коллаж. 12.00 «Вақт». 12.40 «Қаҳрамон йўқлигида-ги гап». М. Н. Ермолова номли театрдаги можаро.

* * *

15.00 «Орзуларим, тарк этманг мени» Леся Украинканинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фильм-концерт. 16.00 «Сирли тоғ эчкиси». Мультфильм. 16.15 «Мактаб». Телевизион ҳужжатли фильм (Красноярск). 16.45 Болалар учун фильм. «Акмал, аждаҳо ва малика» («Ўзбекфильм»).

17.50 Ф. Лист. Венгерча 6-рапсодия. 18.00 «Вақт». 18.30 «Экологик бумеранг». Переяславль-Залесск шаҳрида бўлиб-ўтган болалар экологик конференцияси ҳақида. 19.25 «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 20.30 «Вақт». 21.00 «Куни хотирадан кўтарилган эсдалик». Телевизион бадиий фильм премьераси («Ленфильм». 22.35 Олам кинокамера кўзгусида. «Совет немислари: тарих ва ҳозирги давр». 1-қисм. 23.35 П. И. Чайковский романсларини РСФСР халқ артисти К. Лисовский ва халқаро конкурслар лауреати Н. Штаркман ижро этадилар. 23.35 «ТСН».

● **МТ II**

12.10 «Иш судга оширилади». Телевизион бадиий фильм. 13.15 Ҳужжатли фильмлар: «Девор тасвиридаги манзара». (Узоқ Шарқ кинохроника студияси), «Ҳалокатга маҳкум этилганлар» (Кишинев). 13.50 Ритмик гимнастика. 14.20 Ф. Листнинг «Мазепа» симфоник поэмаси. 14.40 Такрорий телефильмлар сеанси. «Карино». 3-серия.

* * *

16.30 Сархан Сархан куйлайди. Бокудан кўрсатилади. 16.55 Ритмик гимнастика. 17.25 «Москва—Брюссель антикўприги». 4-кўрсатув. 18.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Фильм. Фильм. Фильм». Катталар учун мультфильм. 18.50 Сергей Тарасов чалади (фортепьяно). 19.15 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кўргазмада». 19.30 «Сизни ҳам, ўзимни ҳам қувонтириб». Фильм-концерт («Экран»). 20.25. Коллаж. 20.30 Хоккей. Ўртоқлик учрашуви. «Спартак» (Москва) — «Миннесота норд старз» (АҚШ). 23.00 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги 24.00 **СССР Олий Совети сессиясининг кундалиги.** 00.30 «Гармония». Телевизион бадиий фильм (Венгрия).

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23572.